

84(5)3
Б85

Шойим
Бўтаев

У3)
9



CH0000034512


Шоҳона
ЗСОБҒа

84(5'3)
Б 99

Шойим
Бўтаев

Шохона
ЗОВҒА

Қисса



927 966

Тошкент
«Navro'z» нашриёти
2015

КБК 83.14 (50'zb) 7
В 85

Бўтаев, Шойим

Шоҳона совға; Сас; Қисса ва ён дафтардан/
Шойим Бўтаев. — Тошкент. «Navro'z»
нашриёти, 2015 й. — 92 бет.

Тақризчилар:

Гулноз Саггорова, филология фанлари номзоди;
Марҳабо Қўчқорова, филология фанлари номзоди

«Шоҳона совға» қиссаси жиддий асар. — деб ёзган эди атоқли адиб Ошл Ёқубов — Умр бўйи ўз эътиқоди, ҳалоллиги билан мақтаниб яшаб келган одам уларнинг сароб эканлигини ҳаётининг сўнгги лаҳзасида пайқаб қолади. Бу фажрининг моҳиятини ўзингиз асарни бирров ўқиб тасаввур қилинг энди...».

Мазкур тўпلامдан, шунингдек, «Қўрғонланган ой», «Шох» романлари, қатор қисса, ҳикоя ва эсселари орқали ўз ўқувчиларига эга бўлган истеъдодли ёзувчининг ён дафтаридаги қайдларидан намуналар ҳам ўрин олди. Фикрлашга, мушоҳада юритишга ундайдиган бундай мулоҳазалар Сизни ҳам лоқайд қолдирмайди, деган умиддамиз, азиз китобхон.

*«Илоҳи, агар ҳавасдин бош-аёғ
яланг ҳар ён югурдум, бошдин-аёғим
ёмон эрканин халойиққа билдурдум».*

Алишер Навоий. «Муножот».

Энди унинг қилар иши аллақандай жудаям олис
замонларда қолиб кетгандек туюладиган кунларни
эслаб фаромуш уй-хаёлларга чўмганча бир бурчакда
қунишибгина ўтириш бўлиб қолганди. Фақат аҳён-
аҳёндагина, ногаҳон бостириб келадиган турфа уй-
лардан ваҳимага тушган чоғларидагина ўрнидан сғир
қўзғалиб алмисоқдан қолган усти бошини эгнига
илар, бўйинбоғ тақишни ҳам унутмас, ҳассасини
қўлга олвасиб нимадандир хавфсираётгандек секин
ташқарига чиқарди. У ана шунақа кўнгилёзар па-
йтларида ўзига аввалдан таниш-қадрдон нарсаларга
кўзи тушгудек бўлса ногаҳон қувонар, шунда нурсиз
кўзларида нимадир йилт этиб буришиқ юзини бир
лаҳза ёритарди-ю, шу заҳотиёқ бошқа қандайдир
хотиралар ҳукмида бу муваққат қувонч ҳам абас
топарди. Ўсмир чоғидан бошлабоқ туғилган қиш-
доғини тарк этиб яшаб келган мана шу шаҳри унга
қандайдир қадрдонлашиб, ўзиники бўлиб қолгандай
эди. Теварак-атрофи аргувоний дарахтлар, турфа
гуллар билан қуршалган бу масканнинг ҳар муюлиши
ва кўчасида учраган одами унга яхши таниш, қучоқ-
лашиб ёки қўшқўллаб кўришиб ўтишни канда қи-
лишмасди. Одмигина кўрингани билан кўзга иссиқ
биноларнинг сиртига қандайдир қора ойналар қоп-
ланиб бошқача тус ола бошлаган чоғиданоқ одамлар
ҳам туйқус бегоналашиб, бир-бирлари билан ўзга
сайёралардан келгандек муносабатда бўла бошлаган.





катталар нари турсин, ҳаттоки азалий анъаналар бўйича бегоналарга салом бериши фарз бўлган биронга чурвақаям унга ҳатто бош ирғаб қўйишни ўзига лозим топмасди. У шунча йиллардан буён яшаб келган жойида энди ўзини муваққат меҳмондек ҳис этиб, қайтиш йўлини йўқотиб қўйган атак-чечак бола-кайдек ҳўнграб-ўкраб юборишга ҳар лаҳзада шаф бўлиб юарди. Шаҳардаги ўзгаришлар орасида таниш-билиш одамлар бир-бирларини тўсатдан йўқотиб қўйгандек, энди ҳар томонга ҳарчанд олазарак назар ташташгани билан бир-бирларини тополмастгандек, топишга умидлари ҳам қолмагандек эди. Ўзи нималар бўляпти, қани улар — беташвиш-хотиржам ҳолда кўчалару чойхоналарни тўлдириб юрганлар илкис қаёққа йўқолиб қолиш-дийкин? Ҳатто, куюқ аргувонлар соясида эрта-ю кеч шохмат-шашка, домино сурганча ўтган-кетган воқеа-ҳодисалардан гурунг қилиб ўтирадиган ўтган замонларнинг азамат қаҳрамонлари ҳам қаёққадир қўйиб бўлиб қолишганини қандай изоҳлаш мумкин? Эҳтимол, бунинг сабаби куюқ соя солган ўша аргувонларни қайсидир ишбилармон кўкариб турган жойида сотиб олиб, кўкариб турган жойида кесиб кетганиладир? Унақа дейдиган бўлса, бошқа дарахтлар соя солмасми, бошқа соя жойлар қуриб кетганми? Нимаики бўлмасин, қайсидир пучмоқларда энди бар-ча нарсага қўл силкканча хонанишинлик-узлатни их-тиёр этганларнинг айримларини аҳён-аҳёнда дарағи ҳам чиқиб қолар, шунда кўнгилга ғам-андух солувчи гап-сўзлар қулоққа чалинарди: «Ие, шунақа бўптимиз, хабаримиз ҳам бўмапти-я, биров айтмапти ҳам». «Айтмоқчи эдик, сизни топиб бўлмади қолди, нимаям қилардик, шунақа бўб қолди». «Сабо берсин, энди тўйлар кўринг». «Айтганингиз келсин, энди тўйлар кўрайлик». Шундан сўнг у қанчалик умидланиб кутмасин, ўша ният қилинган тўйларнинг ҳам ҳеч


дараги чиқмасди — шунчаки гап бўлиб қолаверарди. Бу ҳол уни қаттиқ ўқинтирарди, тобора янгилашиб бораётган муҳитнинг теварак-атрофдан зугум билан сиқиб-исканжага олиб келаётганини, яккаланиб-ёлғизланишга маҳкум этаётганини ҳис этгани сайин алами келар, аммо аламини кимдан олишни билмагани сабабли ичига ютиб дамдўз бўлиб борарди, жисми жонда кексалиги туфайли қўзғалган оғриқлар унинг бу руҳий ҳолати қаршисида арзимас симиллачилар-лўқиллашлар эди, холос. У йўлда кетаётиб ҳам гўсатдан ҳозирнинг ўзида нимасинидир йўқотган каби гарангсиб туриб қолар, хаёли қочар, қаёқда турганини унутиб кўяр, кейин шоша-пиша тезроқ ортга қайтгиси келарди. Ортга қайтгани билан нажот йўқ, ўзи ниманидир қидириб чиқиб кетган маконга қайтиш унинг ҳафсаласини пир қиларди. Ҳозир ҳам худди шундай бўлди, умр бўйи тинимсиз излаган ниманидир топиш илинжи уни тезроқ ташқарига чиқишга ундай бошлади. Шу мақсадда у эгнига ўн беш йил бурун бу ҳаётни тарк этган аёли чангчунгини қоқиб-суқиб, орасталаб кийдириб кўядиган усти боши — костюм-шим, плашини кийиб, ҳассасини излади. Раҳматли аёли унинг усти бошига, кийинишига катта эътибор билан қарарди, гард юқтирмасди, одамнинг кайфиятини устидаги кийимбоши белгилайди, дер эди. Шу хислати туфайли обикавсар бўйларида мангу фароғат оғушига чўмган боёқиниш аёл завжаи ҳалолининг ҳозирги ҳолатини кўрганида эди, унга на жаннат боғлари, на қумрилар сайраши, на ҳуру филмёнлар илтифоти, на фаришталар хизмати татир эди. Жаннатий юрагининг туб-тубларидан бир аланган оташ вулқони пўртана отиб, эвоҳ, деб юборган бўларди. Негаки, у пуф-пуфлаб, ялаб-юлқаб, гард қўндирмай кўчага чиқарадиган жуфти ҳалолни энди бундай орасталик, арни аллақачон унутиб юборган, кир чир, дазмостланмаган тижим

Усти бош билан ташқарилаб кетверарди. Ҳар кун
қиртишланадиган соқоли ҳам ҳафта-ун кун
тиканақдек бўлиб ўсиб ётаверарди, кўзларининг
жияги қизариб, ажин босган юзида бурнигина
сўппайиб қолганди. Шу боис, у қўлидаги ҳассани ким
берганини, бу ҳасса кимнинг совғаси эканлигини
айтса, биров ўлақолсаям ишонмасди, бу тентак нима
деб валдираяпти, деб ўйлаши турган гап эди. Унинг
ҳассаси ҳамиша шипини ис босган икки хонали ўйига
кираверишда, тору танг, бош сифса кет сифмас, кет
сифса бош сифмас йўлакда турар эди — бир замонлар,
яъни унинг вазир бўлиб ишлаб юрган кезларида
бунақа уй-жойларга эга бўлиш ҳам амри маҳол эди.
қолаверса, бунақа одамлар уй-жой, мол-мулк деган
нарсаларни ҳаёлларига келтиришга қандайдир мавҳум
бир кучдан ҳадиксираб туришарди. Бу ҳадик сарҳад-
ларини енгиб ўтган довжуракларнинг ишлари ё чикка
ёинки пукка бўлар, ҳаттоки, ном-нишонсиз йўқолиб
кетганлари ҳам сон-сановқис эди. У ўша замонлардан
эпини қилиб олиб қолган мана шу кулбаси учун ҳам
гоҳ-гоҳ узун тунларда безовта тулғониб босиринқираб
чиқар, шу жойни эгаллаб ўтиргани учун кимлардир
ўзидан ёзғириб юриш-ганини гумон қилиб фароғат
нелигини билмасди. Шу сабабли, кўпчилик шаҳар
маркази деб ҳисоблайдиган жойдаги мана шу қўнал-
ғасини ҳам худди ҳарбийлар каби давлат ҳисобига
расмийлаштириб қўйган эди.

У нимани кутаётганини ўзи ҳам билмаган ҳадсиз
зерикишларига таскин топиш илинжида одатдагидек
ўзига кун-бакун бегоналашиб бораётган шаҳар
кўчаларига чиқмоқчи бўлиб, ҳассасини излади,
ҳамиша йўлакда турар эди, йўқ — тополмади. Бошқа
ёқларниям қараб чикди. Нимабале, ер югганми,
осмонга учганми — кўзга ташланмади. Ҳарқалай, жон
ато қилиб, бирор қавакка ўрмалаб кириб кетмагандир,
ахир?



Унинг ҳафсаласи пир бўлди-да, яна қайтиб ўз хонасига кираркан, ёлғизлигининг ҳад-ҳудудсиз гуссаларига маҳкум этилганини оний лаҳзада ҳаёлидан ўтказиб торс ёрилай деди. Неча вақтлардан буён хотираси қабатларидан бошидан ўтказган ҳисобсиз воқеа-ҳодисалар орасидан болалиги, оёқяланг-бошяланг қир-адирларда кезгани чиқиб келиб, уни ўзига чорлар, тўғрироғи, ўзининг ўйлашича, уни безовга этмоқда эди. У нега бундай бўлаётганининг сабабини қанчалик бош қотириб ўйламасин, тубига етолмасди. У шу ҳаёллар оғушида диванга чўкди ва қандайдир ғайри ихтиёрийлик етовида беихтиёр ўгирилиб... кўрдик, ҳассаси диван суянчиғига суяб қўйилган экан. Водариг... ҳассасини кимдир йўлакдан олиб, бу ерга қўйиб кетгандай эди. Ким келдийкин, дея миясига урилган ўй шу заҳотиёқ, ким ҳам келарди, деган бошқа собитроғининг думидан етаклаб чиқиб, унинг кўнглида ваҳимага ўхшаш нимадир уйғотди. Энди кўчага чиқишга-да унда хоҳиш-истак қолмади. У диванга чўзиларкан, юраги шу қадар сиқилиб кетдики, нима қиларини билмай яна дарров туриб ўтирди. Нимадандир таскин-тасалли излагиси келди ва ҳассасини қўлига олиб, томошалай бошлади. У шу асно дастаси ушлашга ўнғай, кафтни терлат-майдиган ҳассанинг учигаги қора резина ёпишти-рилганини томоша қиларкан, бу матоҳнинг нимадан ишлангани хусусида бош қотира бошлади, қанчалик бош қотрмасин, аниқ бир хулосага кела олмади, шу тариқа ҳаёли фаромушланиб ҳорғин нигоҳи билан ҳассага тикилиб ўтираркан, қачонлардир, олис-олис ўтмишда, саробга дўнгандек бир замонларда, мамлакатдаги обрўли вазирликни бошқараётган маҳалида делегация раҳбари бўлиб араб мамлакатларининг бирига борганини эслади. Ўшанда унинг қамчи-деккина бўлиб юришини, серҳаракатлиги ва воизлигини кўрган одамлар ҳозир таниёлмай қолишлари тайин эди. Ахир, у ким эди-ю...



Ҳозиргидек аниқ-тиниқ ёдида, у борган мамлакатнинг султони «ер юзасидаги ўлимга маҳкум ҳар қандай жонзотдан ҳам ёши улугроқ, сув ва қуруқликдаги ҳар қандай азалий махлуқдан ҳам қариоқ бир зот» бўлиб, унинг фиравнмонандлиги замонавий тус олиб, бу юртдаги барча нарсалар — тоғу тошлардан тортиб, анҳору дарёларгача, чўлу биёбонлардан боғу роғларгача — барча-барчасини ўз моликонасига ё ошкора ёинки хуфёна тарзда қўшиб олган эди. Миш-мишларга қараганда, у аجدодларидан қолган еру мулкларни арзонгаровга сотиб олиб, хориж ҳамкорларга энг қиммат нархларда пуллаган, шу боис четдан ташриф буюрган олимақом зотларнинг кўнглини овлашга, ўзи ҳақида яхши фикрлар туғдиришга ҳаракат қиларди. Мутку моликонаси-ю бойликларининг ҳад-ҳисоби бўлмаган султонни ўта зиқналигидан, бир бурда нонни ҳам минг миннат билан тутқазидан азият чекиб келадиган халқининг хорижликлар учун эшилиб-ешилиб кетишларидан, сарф-харажатни аямаслигидан, уларга қимматбаҳо қаболару каллапўшлар кийгизиб гердайишидан, совға-саломлар қилиб мақганишидан, ўз номининг жаҳон бўйлаб тилларда достон бўлиб ёришини пинҳона орзу қилишидан нафратланишса-да, султон буни пайқамас ёинки ўзини пайқамасликка олар, меҳмонларига ўзининг қўли очиклиги-ю сажаватпешалигини пеш қилиб, мана шу кўрган билганларингизни ўз юртларингизга борганларингизга айтиб беринглар-да, дея очик-ойдин шипшиб ҳам кўярди. У, ҳатто аллақайси мамлакатнинг подшоҳига шундай бир қимматбаҳо узук ҳадя этган эканки, бундай узукдан бутун дунёда фақат иккитагина мавжуд бўлиб, бу иккаласиям унинг ўзида экан, энди яна қолган биттаси кимга насиб этиши ҳали номаълум экан. Шунча бойликлари камлик қилгандай, султоннинг бахтига ер остидан ермойи булоқ-



булоқ бўлиб эгилиб чиқаверибдики, уни на эплаб бўлармиш, на сотиб пулини ҳисоблаб бўлармиш. У бунчалик бойликларни нима қилишичи билмай камалакнинг етти рангига мослаб еттита сарой қурган эканки, унинг саройлари олдида «Алиф-лайло»да таърифланган қоллоналар тутзор қоровулининг чайдасидек бўлиб қолар экан. Унинг ўз шаънини ўйлаб қиладиган анз шу қўли очиклиги боис бутун дунёнинг манамаман деган назари ўткир сиёсатчилари-ю қўли чаққон ишбилармонлари еганлари олдида, емаганлари ортида бўлиб турганига қарамай, бирор бир антиқа савға илинжида унинг саройларидан бирига меҳмон бўлиб тушиб қолишни сўлаклари оққунча орзу қилишаркан. Султоннинг азалий сиймосидан кўнгиллари озган мамлакат ёшлари эса унинг алмисокдан қолган бошқарув усулидан нажот йўқлигини фаҳмлаб, четга сурворишган экан. У буни кўриб кўрмасликка олса-да, ичида ҳамиша мусти мустаҳкам чегара ортларидан бирон бир хавф туйқусдан бостириб келиб қолиши мумкинлигидан ҳадиксираб яшаркан, шу сабабли, барча хорижий мамлакатларга ўзининг хайрихоҳлигини билдириб қўйиш учун чет эллик вакиллардан марҳаматини дариғ тутмаскан. Ўшанда, дарҳақиқат, тилдан-тилга кўчиб юрган нақлларнинг ростлигини кафолатламоқчи бўлгандек, кекса султон ташрифнинг сўнгги кунини делегация аъзоларига ўзининг қизил саройида зиёфат берди. Нима учун зиёфат айнан қизил саройда берилётганини тусмоллаб билиш қийин эмасди — байроғининг қизиллиги, умуман, шўро тузумининг қизил рангга ўчлиги султоннинг назаридан четда қолмаган эди. Сўнгга дунёга машҳур султон унга алоҳида илтифот кўрсатиб, кўзларини хиёл қисган кўйи қандайдир муғомбирона тикилганича, паст товушда, сизга қандай савға қилсам, кўнглингиз хушнад бўлади, деганчи кулимсираб Султоннинг бу






гапидан негадир унинг нафсонияти огриганди. Ўзини тараққиётдан ортида қолиб кетган аллақандай урта асрларнинг муҳитига тушиб қолгандай ҳис этганди. Мана шу ҳис таъсирида ғазоби қайнаб, буни билдирмаслик учун овози қалтираганича, мен ўз мамлакатим ва халқим олдидаги бурчимни бажардим, мана шу улуг ишдан бошқасига эҳтиёжим йўқ, деди. Султон унга бир зум ажаблангандек қараб қолди, у чамаси, «илтифотингизнинг чеки йўқ», «ғоят марҳаматлисиз» деганга ўхшаш, чучмал, ҳеч қанақа маъно-мазмунни бўлмаса-да, қулоққа хуш ёқадиغان иборалар эшитишга ўрганиб-кўникканидан, ҳатто, бироз талмовсирангандек ҳам бўлди. Сунгра дарҳол майин табассум қилди. Шу тариқа бир лаҳза нималарнидир ўйлаб қолди ва хаёлига келган қандайдир фавқулодда фикрдан туйқус чеҳраси ёришиб, юз-кўзларида муғомбирона ифодалар чақмоқдек барқ уриб ўтди. Шу чоқда у, ҳатто, қандайдир қувониб кетгандек бўлди. Унинг елкасига валломатларча қоқиб қўйиб, мен сизларнинг мамлакатларингизда дину ирқидан қатъи назар барчанинг тенг-тотувлиги ҳақида эшитганман, деди, яна айтишларича, бой ва камбағал, шоҳ ва гадо деб ҳам ажратишмасмиш, катта-ю кичик раҳбарлар ҳам ўз халқига муносиб бўлишга уринишар эмиш, ишдан кетгач унга яратилган қулайлик ва имкониятлардан бошқалари фойдаланишар эмиш, эгаллаб турган вазифаларини бизга ухшаб аждоддан-авлодга ўтказиб боришмас эмиш, кимнинг калласи ишласа ўшанга иқбол кулиб боқармиш — бу эшитганларимиз, албатта, эртанга ўхшайди. «Ана шу эртан деб ўйлаётганларингиз бизда айни ҳақиқатнинг ўзи жаноби олиёлари. Мана, менинг ўзимни олиб кўринг, мен ким эдим?» Шунда унинг кўз ўнгига беихтиёр туғилган қишлоғи, томига чим бостирилган уйчалар, елкасидан кетмон тушмаган қотма юзли отаси келганди. Отаси бот-бот

тилининг остига носвой ташлаб, деҳқону чорвадорнинг кунн зўрма-зўракичилик, қишин-ёзин тиним нима билмайди, уларнинг устидан нон ейдиган текинтамоқлар қачон тугайди-ю халқнинг елкасига қачон офтоб тегеди, деб хўрсинар, оғзидаги носвойини жаҳл билан дуч келган томонга тушурар эди. Қишлоқ ўртасидаги чинор қавагида у тенги чурвақаларни тўплаб ўқиш-ёзишнинг ўргатиш бошланган кезларида ота ўз кўзларига ишонмасди, кўраётганлари чин-ночинлигини текшириб кўриш учун бўлса керак унинг дафтар-қаламига кетмон дастасидан ўзгасига уқуви бўлмаган кўллариини ҳайиқаётгандек теккизиб кўрарди, кўзлари ёшланарди, кўз ёшларидан ийманиб ҳам ўтирмасди, яшириб ҳам ўтирмасди. Дарвоқе, унинг на кўраётганларига, на эшитаётганларига ишонгиси келарди. Кўраётгани-ку, азалдан таниш чинор қавагидаги янги мактаб бўлса, эшитаётганлари ҳаммасидан ошиб тушарди. Нима эмиш, ҳукумат бу болаларни ўзи ўқитиб, ўзи тарбиялаб, ўзи одам қилиб олармиш, ёши ўтганларнинг бўлгани бўлган эмиш. шунинг учун барча эътибор ёшларга қаратилармиш, ёшлар келажаги порлоқ мамлакатнинг ишонган тоғлари эмиш, улар ҳамма нарса теп-текин замонларни кўришармиш. Бу гаплар нафакат ёшларга, балки ўз фарзандларининг истиқ-бол ҳақида гап келётгани учун ёши улуғларнинг ўзларига ҳам мойилек оқарди. тегирмон навбати билан эканлар, дея бу дунёнинг қурилишига онд мураккаб масалалар устида бош қотиришарди.

Албатта, унинг кўнглидан кечирганларини бундай воқеаларни етти ухлаб тушида кўрмаган султон фаҳмлай олмаса-да. сиз ўз мамлакатингиз ва халқингизнинг муносиб фарзанди эканлигингизга шубҳам қолмади, сиз уларнинг фахр-ифтихори, ғурурининг рамзи бўлишга арзийсиз. дея валдирай бошлади. Сўнгра ёнида турган маҳрамининг қулоғига нимадир





деб шипшиди. Жисму жонига маҳрамлик сир-асрорлари сингиб абадул абад қотиб қолгандек кўринган маҳрам маҳрамона бош ирғаганча кўзининг қири билан уни ҳам назардан қочирмай, султондан ниманидир сўраб олишга журъат этди. Султон билинар-билинемас бош ирғаб қўйди. Маҳрам шарпадек ортга чекинди. Орадан кўп ўтмай кўтариб келган матоҳини тўқ қизил шойи ғилофдан чиқариб икки қўлида тутганича султоннинг ёнида бош эгиб турди. Султон унга маҳрамнинг қўлидаги ҳассани кўрсатиб, буни мендан эсдалик-ёдгорлик сифатида қабул қилишингизни сўрайман; кўриб турибсиз, бу оддий ҳасса, баҳосиям арзимас, дея кўзлари-ю юзида ўша-ўша муғомбирона кулимсираш билан узатганди. Бундай вазиятда султоннинг қўлини қайтариб бўлмасди. Раҳмат, дея «ер юзасидаги ўлимга маҳкум ҳар қандай жонзотдан ҳам ёши улугроқ, сув ва куруқликдаги ҳар қандай азалий махлуқдан ҳам қарироқ» султоннинг қўлидан ҳассани олаётиб, у кулиб қўйганди, оддий ва арзимас баҳодаги мана шу ҳассани сизнинг самимиятингиз тимсоли сифатида қадрлайман, деганди. Ҳамманинг ҳам бошида кексалик бор, деганди султон ҳам ўз навбатида ҳамон муғомбирона кулимсираганча, сизга совға қилаётганим ҳассани, албатта, ўзингиз учун асраб қўясиз ва у бирон бир кунингизга яраса, мен ўзимни бахтиёр хис қилардим.

Шу тариқа тантанали маросим тугаб, улар ажрашганди. У нафақага чиқиб, барча инжиқликларига дош бериб келган хотини ўлгач, орадан бир йил ўтар-ўтмас ўғли ўзининг ҳаракатини қилиб оиласи билан алоҳида квартира олиб чиқиб кетди. Чамаси, отасига ишониб юравергани билан иш битмаслигига фаҳми етган бўлса керак. Унинг якка-ю ягона қизи ҳам турмушдан ажраган бўлсаям, негадир отаси билан тургиси келмади. Ҳар ким ўз бошига, ўз тўшига, деган гапни болалигида қишлоқда аллақайси кампирдан бот-бот эшитарди, ўшанинг маъносини энди билипти.



У нафақага чиқаётганида, кўрсатган хизматларим эвазига маза қилиб дам оламан, деб ўйлаганди, қайда, ёлғизлик одамга дам бермаскан. Ана шундай пайтда бир маҳал қадам ташласа ерни титратгудек оёқлари бот-бот оғриб, аста-секин базўр судрайдиган бўлган кезларда кунига ўша кекса султон тақдим этган ҳасса яраб қолди. Ўшанга суяниб кўчага чиқади, ўшанга суяниб кўча айланади. «Жойинг жаннатда булгур султон валий эканми, — деб ўйлайди. — Менинг шу кунларимни олдиндан кўра билганмикан?» Ҳассага таяниб кўча айланганда, собиқ вазир энг аввало, вивескаларга, шнорларга кўз ташлайди ва юзи тундлашиб аллақандай қўнишаётгандай бўлиб газета дўкони сари йўл олади. Унинг ўзи ўқийдиган газеталари бор, ўшалардан бирини олса, бошқалари ҳам шу мазмунда бўлишини яхши билади. Энди аввалги таниш-билишларидан мободо битта-яримтаси тасодифан тўқнаш келишсаям ўзларини ундан четга оладиган бўлишди. Уни нафақат эскича қарашлардан воз кечолмаган консервативлиги, балки шахсий ҳаётда ҳам қандайдир кераксизлиги бу ёруғ оламга аллақачон маълум бўлиб бўлгандек эди. Уни, ҳаттоки, собиқ ишхонасида ҳам яхши танишмайди, танишсаям, собиқ вазир уларга, улар собиқ вазирга ёқмай қолишган. У неча ўн йиллар ишлаган бўлсаям, давлатнинг тийинига ҳам хиёнат қилмаганини пеш қилавергани барчанинг энсасини қотиради.

У ҳассани томошалаб, хаёли қочиб ўтирди-ўтирди-да, нимадир эсига тушиб, уйқудан уйғонгандек ҳолатга тушди. «Бўлди энди, — деди овоз чиқазиб. — Қайсидир табиатшунос олим ҳаттоки ҳашаротларнинг ҳам ўз туғилган масканларига бориб жон беришларини айтган экан, энди туғилган қишлоғимга қайтиб кетишнинг фурсати етган кўринади». Бу хаёл миясидан ўтиши биланоқ ўша қадимий улкан чинор ва унинг



кавагидаги дастлабки қишлоқ мактаби, ҳижжалаб ҳарф ўрганганлари кўз ўнгига келди. Мугассил жаҳолат исканжасида абгор ҳолга келиб қолган қишлоқ аҳли жилақурса фарзандларининг ёруғ кунлар кўришини орзулаганидан мана шу чинор кавагидаги мактабга катта умид кўзи билан боққан эди. Ўзининг тайлоқ боласи дафтар юзига ёзиб-чизаётган ҳарфларга номаълум манзил-мароҳилларни тасаввур этаётгандек аллақандай армон билан тер-мулган кетмончи отаси унга омад тиларди: «Нима-ларни ёзиб-чизаётганингни сўқир отанг қайдан билсин, болам? Аждодларимиз боёнлар эшигида хору зорлик билан менга қолдиришгани кетмондан ўзгаси бўлмаганини учугмасанг бас. Илм борасида эшит-ганимиз ўз манфаатидан ўзгасини ўйламайдиганларнинг чўпчаклари эди, ҳолос».

У ўй-хаёллар оғушида қоронғи тушиб қолганини ҳам пайқамасди. Энди унинг кўчага ҳам чиққиси келмас, бу мажбурийликдан фикран ҳалос бўлганига аллақандай сўнаётгандек ҳам эди. У ҳаёлига туйқус келиб қолган ўз режасидан ўзи мамнунлик туяркан, нима учун бу ҳақда илгарироқ ўйламаганига ажабланди. Кейин қишлоққа боришини, борганини тасаввур этганча хаёл суларкан, орадан ярим асрга яқин вақт ўтмагандек — гуёки бирров айланишга чиқиб яна ўз маконига қайтаётгандек ҳис этарди ўзини. Бундай тадорик унга ўғли билан қизини чақиритиш кераклигини шипшиди. Аслида, кўнглини ғаш қилгани ҳам шу эди. У ўрнидан турди. Ўзи чақирмасан, улар қорасиниям кўрсатишмайди. Шу мақсадда сим қоқиб, қизини топди.

— Ҳа, ада, яна нима гап? — деб сўради қиз салом-аликлан сўнг авваллари бирон бир гап ўтгандек.

— Аканг қаерда? — дея саволга савол билан жазоб қайтараркан, собиқ вазирнинг томоғига нимадир тик қилгандек бўлди. негадир хўнграб юборишдан ўзини

аранг тийди. — Мен аканг билан сени кўрмоқчий-
дим...

— Ўзларига қўнғироқ қила қолмабсиз-да, — деди қизи ўзини у билан кўришишдан соқит қилмоқчи бўлгандек.

— Икковларинг бирга келинглар, — деди собиқ назир унинг гапини эшитмасликка олиб.

— Ҳозирми?

— Ҳа, ҳозироқ...

— Шунчалик зарилми?

— Ҳа, зарур.

Ўшақнинг нариги томонида қизи ўй сургандек бироз сукутга толди, шекилли, аянчли ва шумшук жимлик чўкди, собиқ вазирдек кўпни кўрган доно сиёсатчи ҳам бунинг моҳият-натижасини фаҳмлолмагандек, юрагининг гурс-гурс ургани ўзига ҳам эшитилган кўйи туриб эди, қизининг аввал беихтиёр тарзда, товба, деб хўрсингани ва мажбурий оҳангдаги:

— Майли-и, борамиз, — дегани эшитилди.

У беихтиёр енгил хўрсинди ва яна ўз ўрнига чўкиб, ўй-хаёлларга фарқ бўлганча қандайдир режалар туза бошлади. Унга ёшлигидан мана шу тарз мос эса-да, кейинги пайтларда ҳар қандай тузаётган режасидан суюнмас, улардан тез зерикар, баъзиларидан нафратланар, эси кирди-чиқди бўлиб қолаётганидан ҳунобланар эди. Ҳозир эса беихтиёр бошқа одамга айланиб қолгандек, йўқотиб қўйган нимасинидир — тўғрироғи, сабийлигини — топиб олгандек ич-ичидан қандайдир қувонч ёпирилиб келар, ўйлаётган ўйлари зароб бўлиб чиқиши мумкинлигини, ўтиб кетган ойём бировнинг чўнтагидан тушиб қолган тангадек қайта топилмаслигини ўйламас, гуё толхивич ёғоч олнинг суворийси каби сархушланганча кўзларини юмган кўйи хаёлан аллақайларда кезар эди. Унинг унқур ёғоч оти ажриқзор тепаликларни, кўм-кўк ўт-

лоқларни, булоқлар қайнаган унгирларни толиқмасдан босиб ўтар, унинг устидаги собиқ вазир ҳузурланар, шунга мансабу маснадларда юриб, шунчалик иззат-обрў кўриб ҳам бунақа фароғатни ҳеч қачон ҳис этмаган эди. Ёғоч от устида кетаркан, хаёлидан наҳотки шунақа бўлса, деган ўй кечар, шунда бир маҳаллар унга таниш бўлган манзаралар янаям бошқача сеҳрга бурканар, у эса бу сеҳрни бошқалар нима учун кўрмаётганидан ажбланар эди.

Эшик қўнғироғи анча фурсат жиринглагандан кейингина собиқ вазир чўчиб ўзига келди. Унинг юзида кексаликнинг ҳорғин ифодалари билан бирга сабийликнинг масъум белгилари қоришиб кетган эди. Шу боис, қиёфасига қараб унга нима бўлганини дабдурустдан айтиб бериш қийин эса-да, аммо бундан буён бу ерда яшаши мумкин эмаслигини, бунга зарурат ҳам йўқлигини фаҳмлаб олса бўларди. Фаҳмлаш учун фаросат керак, деган экан аллақачонлар дорилбақога рихлат этиб кетган бир боёқиш қабртошига ёзиб қўйишлари учун васият қилаётгандек. Аммо бу гаплар адашиб мутлақо бошқа бир қабртошга ёзилган эканки, унинг остида ётган — гарчи нариги дунёдагилар ҳақида ножоиз саналса-да, айтиб ўтмоқ зарур экан, зеро бу фойдадан холи бўлмас экан — ғирт тўнканинг ўзи бўлган экан. У тўнка бировларнинг ёзув-чизувлари орқали бу дунёда шу қадар обрў-эътибор топган эканки, шунинг сояси тушиб, қабртош ҳам ўз эгасига эмас, ўшанинг устига тушиб қолган экан — қолгани, у ёқда улар нима қилишаётгани номаълум экан, ёлғиз Худога аён экан, аммо у муттаҳхамни бу дунёда сийлаган Худо нариги дунёда ҳам қуруқ қўймаса керак, деган андиша-ю мулоҳаза ҳам йўқ эмас экан.

Собиқ вазир эшикни очди.

Остонада аввал қизининг қораси кўринди. У остонадаёқ юзини отасига тутди. Собиқ вазир уни

паркан, аллақандай галати бўлиб кетди — яқиндагина жажжигина қизалоқ бўлган жигарбандининг ялпоқ лози, қаттиқ кўзлари уни учқур хаёл отидан тушириб қўйгандек бўлди.

— Ухлаб қолганмидингиз? — деди қизи оғзидан чиққан гапга мутлақо алоқаси бўлмаган бошқа нарса ҳақида гапираётгандек бўлиб.

Собиқ вазир оғиз жуфтлашга улгурмай ўғли қора берди. У аввал, яхшимисан, деганча синглизининг, сўнгра отасининг юзидан ўпиб қўйди.

У ўғлидан неварасини нега етаклаб келмаганини сўрамоқчи эди, бироқ, унинг кўрсатадиган важ-карсонлари жудаям бачкана бўлишини хаёлига келтириб, индамай кўя қолди. Собиқ вазирнинг неварасини жондан суюшини ўғлиям, келиниям яхши билишади, яхши билишгани ҳолда, негадир ундан болани олиб қочишгани қочишган. Наҳотки, ўз неварамни мендан қизғанишса, ўйлайди у изтироб чекиб. Аслида, ундай эмас, уни қизғанишмайди, фақат ҳалоллик ҳақидаги чўпчаклари билан бобоси боланинг миясини чалғитади, ўзининг эски ақидаларини унга сингдириб, замонадан ортда қолдиради, деб ўйлашади.

Ака-сингил ўртадан кичкина столча ажратиб турган бурчакдаги оромкурсиларга чўкишди. Ўғли столчани бармоқларининг учи билан тиқиллатиб, димоғида аллақандай қўйни хиргойи қилганича оёқларини чалиштириб ўтирарди. Сочининг олди тўкилиб, бақбақалари осилиб қолган, ёши қирқдан утган бу одам собиқ вазирнинг кўзига ҳамон ёш боладай кўринарди. Дарвоқе, унинг кийиниши-ю турқ-тароватида ёшн ўтаётганини тан олмасликка уринишга ўхшаш нималардир бор эди. У қанақадир майкага ўхшаш қўйлак, жинси шортик кийиб олганди. Бўйнида йўғон тилла занжир, жун босган (садқаи жун) билагига тилла билакузук, бармоқларида хилма-хил узуклар.

У ўғлини ўзининг маънавий-ахлоқий қарашларига эга мустақил инсон сифатида кўришни умр бўйи истади. Энг муҳими, фарзандимиз бизга муносиб бўлсин, дерди у раҳматлик аёлига. Бировнинг ҳақига кўз олайтирмайдиган олижаноб қалб соҳиби, мард-танти инсон сифатида уни кўрсам, армоним йўқ, дерди. Шундай ниятда у ўғлини энг зўр ҳисобланган мактабларда, манаман деган муаллимлар дарс берадиган жойларда ўқитди, тил ўргансин деди. Оқибатда, на у ёқли, на бу ёқли гапирадиган бўлди. Отасиниям дам сизлайди, дам сенсирайди.

Аввалига собиқ вазир ўғлидан умидлари катга бўлгани учун унга муносиб иш қидириб, кўп ҳалак бўлганча уни анов-манов одамларнинг қўли етмайдиган жойларга ўрнаштириб қўйган, орзу-умидлар қилган — лекин, бора-бора ўйлаган ўйларининг барчаси пуч, хомхаёл эканлигини фаҳмлаб қолган эди. Бирор жойда у ўзининг тузук-қуруқ қобилиятини кўрсата олмагач, собиқ вазир унинг иш-пиши билан ҳам қизиқмай қўйган бўлса-да, кўнглидан, бундан бу ёғига энди унинг ҳаёти қандай кечаркин, деган хавотир аримай юрар, шундан ташвишланарди. Йўқ, унинг хавотирлари ҳаммаси беҳуда бўлиб чиқди, мана бир-икки йилдирки, отасининг кўзини ўйнатмоқчи бўлгандай, у ҳар хил тилла тақинчоқлар тақиб, алмойи-алжойи кийиниб юрадиган, фалон доллар, пистон марка, деб гапирадиган бўлиб қолди. У қанақадир бизнес билан шуғулланиб, аввал хотинини, кейин синглисини давлат ишларидан бўшатиб олди.

«Иш нима учун керак? — у савол бераётгандек бўлса ҳам, бунинг жавобини отаси икки дунёда ҳам тополмаслигини яхши биладигандек ўзи жавоб қайтариб: — Пул топиш учун, — дерди худди ажнабий бир одамга борар манзилини тушунтираётгандек. — Пул топи-иш учун!»



Чамаси, тўғриси ҳам шу эди, аммо собиқ вазир бунақа фикрларга ўла қолса ҳам қўшилмасди, нима учунлигини айтиб беролмаса ҳам, уларни ҳатто жамият учун зарарли офат деб ҳисобларди. Унда пулга, бойликка нисбатан қандайдир жирканиш, ҳасад мавжуд эдики, бунақа одамларни аҳён-аҳёнда бўлса-да, ўша замонларда учратиб қолиш мумкин бўлар эди. Хуллас, ўғли янги замоннинг келишини кутиб ётган эканми, хотини-ю синглисини дам Техронга, дам Баҳрайнга, яна бир кун қарабсизки Истамбулга, кейинги сафар Малайзияга учуриб юборади. «Боринглар, қанот қоқинглар, елкаларингга офтоб тегадиган дориломон замонлар келиб қолди, замонларга ҳам ишониб-ишонмайсан киши, бунақаси ҳали келадими-йўқми, армонда қолманглар тағин».

Ўзи уларни аэропортда кузатиб кўяди, катта-катта сумкалар олиб тушишганида кутиб олади. Собиқ вазирнинг илгарилари тортинчоқдай кўринган қизиям даққилашиб, юзингда кўзинг борми демай шартта-шартта гапирадиган бўлди. Мана шунақа нарсалар улар ўртасида аллақандай ўтиб бўлмас чуқур жарлик-ўпқон ҳосил қилиб, бир-бирига кўнглини совутиб юборганди. Буни ота ҳам, болалар ҳам яхши ҳис этиб туришар, бироқ аллақандай мажбурийлик-анъана-вийлик билинар-билинмас боғлаб турарди.

Унинг ҳолидан аҳён-аҳёнда Ўлмасвой деган эллик ёшлардаги, унинг даврида қоровул бўлиб ишлаган бир киши хабар олиб турарди. Вазирлик биносини кўриқлаш ҳам ҳарбийларга ўтиб кетганидан кейин у ўзини ўтга-чўққа уриб бир амаллаб тирикчилигини ўтказиб юрарди. Шу боис, собиқ бошлиғининг олдига кўпроқ юраги сиқилганидан чиқар, ишқилиб, ёшим етганида ўша хизматларим эвазига менга ҳам пенса беришармикан, деб сўрашни канда қилмасди. Собиқ вазир унинг кўнглини кўгарарди, қани ўша пайтлар



келаверсин-чи, дерди. Ахийри, кун ўтказиши қийин бўлиб қолганидан кейин Ўлмасвой бир йил бурун Россияга кетворганди, кетишида собиқ вазир унга оқ йўл тилаётиб, шу асно қадрдон ҳамкасбларидан бирини эслаб қолган, унинг неми шарифини бир қоғозчага ёзиб Ўлмасвойга тутқазган, борди-келдиларимиз йўқолиб кетиб бир-биримиздан хабар олмай қўйганимизга ҳам аллақанча замонлар бўлди, мободо шу одам соғ-саломат юрган бўлса топиб саломимни етказсанг шояд ёрдами тегар, деган, ўзи билиб-билмай ҳаётида боёқиш Ўлмасвойга энг катта яхшиликни раво кўрган эди.

Ўлмасвой кетди-ю, собиқ вазир ёлғизликнинг тубсиз чоҳига янаям теранроқ қулаётганини ҳис этди. Нимаики бўлмасин, унинг ўқтин-ўқтин бўлсаям қорасини кўрсатиб, хўжайи-ин дея овоз бериб, ярим коса-бир коса иссиқ овқат чиқариб тургани собиқ вазирга далда бўлган экан. Собиқ вазир авваллари тузук-қуруқ эътибор бермай юргани билан у одам экан! Унинг одамлик қадри вақти келиб шу қадар билиндики, алҳол, оддий қоровулчилик-қулчилик қилиб юрган кезларида Ўлмасвойнинг ўзи ҳам хўжайинига бу қадар зориқмаган бўлса керак!

Эҳтимол, далда бўлиб турган одамга зориқиш ҳисси уни шу куйларга солиб тургандир? Бу зориқишнинг ўрнини тўлғазиш эҳтиёжини қондириш учун унинг ички оламидаги ғафлатдаги барча кучлар бош кўтариб, ҳозирги қароридан бўлак чора йўқлигини собиқ вазирга шипшиб туришмоқда эдики, у иложи борича тезроқ бу ерни тарк этиш ташвишига тушиб қолган эди.

У диваннинг ўртасида, ҳассасини ўйнаганича, уларга қарамасдан мунгайиб ўтирдн-ўтирдн-да, туй-қусдан:

— Қишлоққа кетсам дегандим,— деди.



Ўгли ичида уни кузатиб қўйиш керакми-йўқлигини ўйлаганича кўзини тўғридаги девордан узмай турарди. Негадир шип-шыйдам деворга Фидел Кастронинг атлақандай оломон қаршисида оташин нутқ сўзлаётган ҳолати тасвирланган сурати илиб қўйилган, сурат остида катта қилиб «237» рақами сабт этилган эди. У Ўлмасвойга мана шу рақам ҳақида қайта-қайта сўзлашдан чарчамасди: Ўлмасвой, бу одамга душманлари шунча суиқасд қилган бўлсаям мана тирик яшаб юрипти.

«Вожаб, унинг душманлари шунчалик кўп бўлганми, вазир бова?»

«Кўп бўлган Ўлмасвой, ҳозир ҳам жуда кўп — аммо у ўзини йўқотмай, эътиқодини сотмай душманларининг кўзини ўйнатиб яшаб юрипти — ундан ўрناق олиш керак, Ўлмасвой».

«Ундан ўрناق олган билан тирикчилик ўтмаса нима қиламиз, вазир бова?»

Ўлмасвойнинг бу саволига у аввалдан қориёд бўлиб кетган жавобларни териб ташлагиси келарди. Аммо негадир айтилган дамда, ҳозирнинг ўзида...жавоб йўқ эди. Тилини тишлаб қоларди. Негадир мағзи тўқ, асосли туюлган жавоблар энди пардай тўзғиб, илгариги аҳамиятини йўқотишган эди.

— Қачон қайтасиз? — савол ташлади ўғли ўз тахминининг тўғри-нотўғрилигини текшириб олмоқчи бўлгандай.

— Бутунлай... — минғирлади собиқ вазир.

Собиқ вазир улардан умидини узган бўлса-да, кўнглининг бир четида, илкис шошиб қолишса керак, деган илинж бор эди, буям беҳуда бўлиб чиқди, қизи ҳеч таш тортмай, индаллосини айтди-қўйди:

— Наверно, ти собираешься умирать?

У индамади.

Ака синглисига ола қаради:

— Эй...

Сингил акасининг қарашига парво қилмай, анчадан буён ичида ўйлаб юрганини айтишнинг фурсати етиб келганидан қувонгандек, мақсадга кўчди:

— Наследство... нимаиди... анавунақа мерос масаласини ҳам гаплашиб олиш керак-да!

— Успеем, — деди ака бу масалада ўзининг оқиллигини намоён этиётгандек, босиқлик билан.

— Қишлоқда бирор нарса бўлиб қолсалар-чи, — деди сингил «бирор нарса» ҳақида бепарволик билан. — Кейин қасқа югурамиз? Хотябы қоғозларга қўл қўйдириб олиш керак.

У зўрғатдан кулди.

— Менинг қўл қўядиган ҳеч қандай қоғозим йўқ, — деди.

Қиз чақчайиб, қандайдир аччиқ сўз айтмоқчи эди, акаси унинг қўлидан ушлаб, тўхтатиб қолди. Ўғил шартан кетиб парти қолган чолнинг бойликлари миқдорини қайси йўл билан бўлмасин, билиб олишга уринарди. Узоқ йиллар вазирлик қилган ҳар қандай одамда ҳам анча-мунча пул, тилла бўлиши шубҳасиз. Илгариги вазирлар ҳозиргиларга ўхшаб ҳашаматли уйлар қуришга, машиналар олишга кўрқиб қолган — сиёсат шунақа бўлган. Ўғил, ҳозир қандай бўлмасин, отасининг жаҳлини чиқармай, қитиқ патига тегмай, меросга эга чиқиш йўлини изларди. Хаёлида, чол пишиқ-пухта, топган-тутганининг ҳаммасини тиллага айлантириб қўйган бўлса керак, деган ўй бор эди.

— Мен ҳалол ишлаб, ҳалол яшадим, — деди собиқ вазир бўғзига нимадир тикилгандай бўлиб. — Сизларни едирдим, ичирдим, кийдирдим, ўқитдим — яна нима?

Ўғли негадир қулочини ёйганча:

— Едирдим, кийдирдим, — деб қўйди.

Ўртага ноқулай жимлик чўкди.

— Бунақа ишларга ҳамманиям қурби етади, — деди ўгли нимадир ёдига тушгандек. — Сиз эса...

— Министр! — хитоб қилди қизи кинояли тарзда.

— Атрофга қаранг, — деди ўғил теварак-атрофни кўрсатмоқчи бўлаётгандек бир алпозда. — Энг оддий министрларнинг ҳам қандай ишлар қилишаётганини кўрасиз-қўясиз — сиз ахир чакана эмас, молия министри бўлгансиз.

— Бизнинг вақтимизда бунақа ишлар мумкин эмасди, — деди собиқ вазир ўғлининг нималарга ишора қилаётганини фаҳмлаб, шу асно, мумкин бўлганида қилармидинг, деган фикр миясига келганди, ўзидан-ўзи нафратланиб кетди.

— Ҳозир мумкин экан-да, — деди қизи унинг кўнглидан ўтганини пайқагандек.

— Тушунаман, ҳозир қайдан олдинг, дейишмайди, — деди ўғли отасининг ёнини олаётгандек бўлса-да, бу асос бўлолмаслигини пеш қилаётгандек, — барибир, илгаригиларини ҳам биламиз-ку, — дея қўшиб қўйди.

У ҳассасини айлантириб ўтираверди.

— Антикварний! — ўғли вазиятни юмшатмоқчи бўлди, гапни бурмоқчи бўлди, ишқилиб кўзининг қири билан ҳассага ишора қилди. — Жа-а бўлмаса, шу ҳассани бизга қолдирарсиз, эсдалик учун, — деди масхаралаётгандай.

— Бу ҳассани қолдиролмайман, — деди собиқ вазир жиддий тарзда. — Улуғ бир султоннинг қимматбаҳо совғаларини олишга унамаганимдан кейин, у меннинг ҳалоллигим ва пок виждонимга тасаннолар айтиб, мана шу ҳассани эсдалик учун берганди. Майли, қимматбаҳо совғаларимни олишга виждонингиз йўл бермас экан, мана шу оддий ҳассани олинг, қариганингизда кунингизга ярар, деганди. Мана яраятти. Менинг кунимга ана шу ҳассагина

ярапти бугун, — собиқ вазир тантана қилгандай томоқ қириб қўйди.

Ўғил унинг сўзларига парвоям қилмади, ҳассадан кўз узмай тударкан, ҳалиги айтган сўзи ўзига ёкиб қолгандай, бош чайқаб, яна такрорлади:

— Антикварний!

— Улуғ султон дейсиз, — қизи энди уни ёлғоннинг устида қўлга туширмоқчи бўлгандек сўзлади. — Агар, ҳақиқатдан ҳам у айтганингиздек бўлса, сизга шунақа совға берармиди? Бунақа таёқни подачим совға қилиши мумкин-ку.

— Ҳа энди улуғ султонлар ҳам одамига қараб совға улашади-да, подачига подачининг таёғини беради, — деди ўғли кесатиб.

Унинг қўли титради. У ўзини амаллаб босиб, шу ҳассаси билан ўғлининг дуч келган жойига қарснлатиб ураверишни тасаввур этаркан, бу ишни аввалроқ қилмаганига ўкинди — эсиз, қўлдан қўймай моҳмоҳлаб ўстиргани панд берди-да!

Кейин гап-сўз унча қовушмади. Собиқ вазирнинг уйи ҳали-ҳозирча унинг ўз номида турадиган бўлди.

— Сизни соғиниб қоларканмиз-да, — деди қизи энди унинг ўз фикридан қайтиб қолишидан кўрқкандек.

— Соғинсак бораверамиз-да, — деди ўғли унинг ташвишидан буткул халос бўлишнинг ўз бизнес режаларига ижобий таъсирини ўйлаганича.

Унинг қарори қатъийлашди. Хайрлашишаётганида худди болалик чоғларида бўлгани каби фарзандлари унинг икки юзидан ўпиб қўйишаркан, қизи ҳатто:

— Ўзингизни эҳтиёт қилинг, — деган гапни айтишни ҳам унутмади.

Аммо бу ўпичлар узоқ-узоқ замонларда бўлаётгандек, қизининг сўзлари ҳам олислардан келаёт-

гандек бўлиб туюлди-ю, собиқ вазирнинг кўнглигача етиб боролмади.

— Бўпти, бўпти. — деди собиқ вазир улардан тезроқ қутилишни истаётгандек.

Улар ўринларидан туришаётганида, ўғли эрта тонгда келиб уни йўлга чиқариб қўйишини айтди. Қизи индамади. Собиқ вазир неварасини олиб келишни ҳам тайинламоқчи эди, эрта тонгда уни уйқудан уйғотиб бўлмаслигини уйлаб, индамай қўя қолди.

У яна ёлғиз қолди. У яна ўша чинор қавагини эслади. Уларни учирма қилгач, чинор негадир ўз-ўзидан ичдан тутаб, қуйиб кулга айланиб кетган эди.

Эртаси куни тонгда ўғли уни поездга чиқазиб қўйди. Бир қўлида ҳасса, иккинчи қўлида атмисоқдан қолган жамадон билан поездга чиққан қариянинг кўзлари жикқа ёш эди. Ахир, у қишлоқдан чиқиб кетганида хунбичимгина йигитча эди. Ўқиди, иш-лади, қариди — орзу деганлари пуч гап экан. Ўтирган жойида калласини тутолмай мудраб қоладиган қариялигида қайтган бўлса-да, кечагина чиқиб кетгандек эди, ҳатто баъзан уйқудан уйғонганида бўлиб ўтган ҳодисаларнинг бариси тушми-ўнгми эканлигини фаҳмловмай қоларди.

У ҳали туғилган қишлоғига етмаёқ қайтиб келаётгани, шунча йиллар давомида орттиргани эски чемадондаги лаш-лушлару эски шляпа ҳамда қанлайдир ҳасса эканлиги ҳақида қишлоқда шов-шувли миш-мишлар тарқаб бўлганди.

Унинг безовта қалби ҳамон бир нарсани ҳазм этолмасди: ажабо, у қаерга борди-ю қаердан келмоқда? Нима ўзгарди-ю нима ўзгармади? Бу жаҳон айвонида у бормаган юрт қолдими? Яна мана шу тупроқ кўчаларга қайтиб келишнинг не ҳожати бор эди?

У осмонўпар биноларда ўтказиладиган мажлис-машваратларда юмшоқ курсиларга ястаниб ўтирганча.

дунёнинг ҳар лаҳзада эврилишига гувоҳ бўлди. Лекин, қишлоқ ҳамон ўша-ўша эди. Тўғри, кўчалар аллақандай ўзгаргандек, маида-чуйда сақичу яна аллабалолар сотадиган дўкончалар кўпайган, бир-бирига нарсаси сотиш расм бўлмаган қишлоқда энди бу уят саналмас эди. У ўша эски чинорнинг жойини қилириб топди. Чинор қариб-чуриб, тўкилиб, ич-ичидан тутаб ёниб кетибди. Унинг ўрнида қишлоқ маҳитини барис қилишибди. Эски феъл-атворларни тупроқ кўмиб юборганди. Униб чиққан янгилари ташқи жиҳатдан бошқача кўринса-да, барибир ўша эскиларнинг такрори эди — қазисан, қартасан, асли наслинга тортасан, деб бекор айтишмаган-да, ахир.

Унинг уруғ-қаёшлари орасида маслаҳат сўраб, суянса бўладигани тоғаси эди — шарти кетиб, пирти қолган бўлса-да, шу одамнинг ўлмай юргани қўл келиб қолди. Тоға гоҳ аравакашлик, гоҳ қоровушлик қилиб, умр бўйи майда-чуйда хизматларни бажариб юрган бўлса-да, кайвонилиги ва ғайрат-шижоати туфайли эл орасида обрў орттирган одам эди. Асосан қишлоқ жойларида гоҳ-гоҳ бўлса-да учраб турадиган бунақа одамлар қўш ботаётган маҳалда қандайдир бўз тепалик устида ўтирволганча дунёни мушоҳада қилишади-да, донишмандга айланмишади, билганлари билган, деганлари деган бўтади. Тоға ҳали ўсмирлигидаёқ ажриқзор бўзтепаликда ваҳий юқтирганлардан эди. Шу боис, ўшанда ҳам жиянининг шаҳарга кетишини у ёқламаган, бу борада собиқ вазирнинг отаси, яъни ўзининг поччаси билан даҳанаки жанн ҳам қилган эди.

«Ўзингиз бир кетмончи одам бўлсангиз почча, ўқисин, ўқисин деб болани йўлдан оздирманг».

«Кетмончи эканмиз деб бир умр итнинг кейинги оёғи бўлиб ўтамизми?»

«Итнинг қайси оёғи бўлишини вақт кўрсатади почча, ҳали бу бизнинг халқимиз неча бор турланиб,

неча бор тусланади — бола кейин аросатда қолиб юрмасин».

«Қайнижон, у замонлар ўтиб кетди».

«Ўтган замонлар яна қайтиб келаверишини унутманг, почча».

Собиқ вазирнинг отаси ва тоғаси ўшанда ўзлари ёлғиз уйга қамалиб олиб гаплашишган бўлса-да, қишлоқ аҳли кейинчалик бундан хабар топиб, ён-вериға қўшиб-чағиб ривоятга айлантириб юборишган эди. Улар ўз кўзлари билан кўриб, ўз қулоқлари билан эшитгандек бир-бирларига бу ҳақда ҳар гал ҳар муқомда ҳикоя қилишар, айримлар отанинг узоқни кўра олганини мақташса, бошқалари тоғанинг айтганлари тўғри чиқаётганидан ёқа тутамлашарди. Унинг қишлоққа қайтиб келиши узоқ йиллардан буён оғиздан-оғизга кўчиб юрган ривоятга хулоса ясаши мумкиндек туюлмоқда, бу чоқда ота дорилбақога рихлат этиб кетган бўлса-да, тоға ўз башоратгўйлигидан тантана қилишга ҳақли эди.

Қишлоқда тоғанинг яқин ошнаси Эргаш полковник деган девқомат киши эди. Унинг урушга борган-бормагани маълум эмас эди. Лекин, ҳадеб, мен бу ҳақда Сталинга бунақа дегандим, шунда Жуков менга мана бундай деди, дея лоф-қоф уравергани учун қишлоқдагилар унга «полковник» лакабини беришганди. Ўшанда Эргаш полковник тоғага ҳавасгами, ҳасадга ўхшаш айрича нигоҳ билан қараб:

— О-ҳо, жиянингиз вазир бўпти-я! — дея хурсандчилигини изҳор қилмоқчи бўлганди.

Тоға бўлса унинг гапини эшитмасликка олиб:

— Айтинг, немиснинг афтини кўрганмисиз-йўқми? — деб қайталаб сўровди.

Эргаш полковник кўрган немис шунақа девсифат махлуқ эканми ёнки у тасавзуридагини тасвирлаб

бера бошладими, ишқилиб, турни кутарган бундай жонзодларни фақат Або Муслим жанғомаларидагина учратиш мумкин булар эди.

— Сиз ҳеч ҳам немисни кўрмагансиз, — деди тоға. — Аммо-лекин, биз учун жияннинг вазирлигидан кўра сизнинг немисни кўрганлигиз, Сталинга ақл ўргатганингиз, полковниклигингиз анча-мунча обрў-эътиборга эга. Шундаймасми?

Эргаш полковник кифт қисувди.

— Ҳарбий одамсиз-да, полковник! — деди тоға касби корининг тайини ҳам бўлмаган Эргаш полковникнинг кўнглини кутариб. — Тўғри гапларни гапириб ўргангансизлар.

Кейин улар икки-уч соат мобайнида фақат тўғрисўзлик, ростгўйлик ҳақида суҳбатлашиб ўтиришганди.


Эргаш полковник раҳматли бўлиб кетди-ю, тоға ёлчизликни ўзига касб қилиб олди. Биров билан мундо-оқ киришиб гаплашмайди. Ҳаттоки, ошнанинг оғиздан қолганларга ҳам кўпам эътибор қаратмайди. Ёши туқсондан ошиб, гавдаси кичрайди, елкалари бикчайди, соч-соқоли олпоқ оқарди, фақат шиллик кузларининг ич-ичида милт-милт ёниб турган алақандай ут унинг ҳаёт ҳақидаги ўз ҳақиқатлари мавжудлигидан дарак бераётгандек бўлади.

Тоға кичкинагина салқин уйчада, уч-турт қават кўрпача устида ёлғиз ўзи тасбеҳ санаб ўтивар, биров маслаҳатли иш билан ёинки шунчаки йўқлаб келсаям, аввал ўн бир-ўн икки яшар невараси унинг олдида кириб, уёқ-бўёқни тўғрилаб, болиш-ёстиқларни жой-жойига қўйиб, фалончи келди, деб хабар беради, бобосининг рухсати билан келган одамнинг ишкарига таклиф этарди. Шундан сўнг, остонада кўзини пирпиратиб турар, бобоси ишора қилса, дастурхонга, чой-нонга, обу овқатга юғурар, нўҳса, индамайгина чиқиб, понабзаларни жой-жойига

қуйиб қўярди. Чолнинг ҳар-ҳар замонда таш-қарига, ҳожатга боришини ҳисобга олмаганда, у умуман уйдан чиқмасди. Шундайм каттакон хонадоннинг барча иш-юмушини, тирикчилигини бошқариб турарди. Қаерда пичан ўрилмагани, ток қирқилмагани, моллар суғорилмагани — ҳамма-ҳаммасини уйдан чиқмай биллиб ўтириши, фармоинишлар бериши, қойиши ажабланарли эди. Боғдаги меваларнинг остига тушиб нобуд бўлаётгани-ю сурувга қўшилган қўйларнинг жунини чўпонлар қирқиб олаётгани-гача унга аён эди.

Собиқ вазир остона ҳатлаб, уй турида дўла-балишларга суяниб ўтирган тоғасига салом берди. Тоға инқиллаб ўрнидан турди, улар қучоқлашиб ўришишди. Тоға жиянига енбошидан ўтиришга жой қурсатди, омин қилингач, остонада қаққайиб турган неварасига:

— Дастурхонга қара, — деб қўйдди. Невара чопиб чиқиб кетди. Ўртада ноқулай жимлик чўкди.



Сукунатни тасбеҳ доналарининг «ширк-ширк» овози бузиб турарди.

Ниҳоят, тоға бошини кўтарди, ҳирқироқ товушда:
— Ҳа, келдингми? — деб гўлдиради.

У ҳукумат бошлигининг олдига киргандай ҳая-жонланиб қолди. Нима деярини билмай, зўрга сас берди:

— Келди-им...

Тоғанинг кўзларида нимадир «йилт» этиб чакнаб ўтди. Бу ўт ўз ҳақиқати ва ҳақлигининг амалдаги исботини ярим асрдан сўнг кўраётган инсоннинг тантанаси... йўқ, ҳайрати ифодаси эди.

Тоға кўзларини юмиб олди.

— Кепсан-да!.. — такрорлади эшитилар-эшитилмас.

У лоҳасланиб... вазифасилан овоз етилаётганидаги, йўқ, ундан-да баттар ҳолатга тушди.

— Мен ҳам қариб қолдим, — деди тоға, ҳақиқатан ҳам унинг шarti кетиб парти қолгандай, аммо тили дадил эди. — Кўраётган, эшитаётган нарсаларим ўнгимми, тушимми эканлигини фарқлолмай қоламан, аралаштириб юборавераман. Ё, товба; шунақа бўларкан-да, ўнгим деганим тушим бўлиб чиқади, тушим деганим ўнгим бўлиб чиқади. Сен кетиб қолиб, қайсидир жойларда ишладинг-а, шунақа дейишарди. Ҳеч-ҳеч ишонмасдим, булар барчаси туш дердим, туш экан-да! Мана, ҳозир ҳам чатгиб кетаяпман, мен бир мудраб, бир уйғониб ўтираман-да, хафа бўлмагин; келганинг ҳам тушимми, ўнгимми эканлигини унча фарқлолмаяпман. Бир лаҳзада ўнгимдай кўринса, бир лаҳзада тушимдай кўринади. Шу экан-да! Буним-ку, кўябер; бу-ки майли; мен ўқтин-ўқтин бу дунё билан у дунёни ҳам аралаштириб юбораяпман-да! Ўзимни ўзим мен нариги дунёдаман-ку, деб ишонтира бошласам, бу дунёда бўлиб чиқаман; энди-энди бу дунёга ишона бошлаганимда, на-

риги дунёда киргандай бўламан, — тоғани туйқусдан йўтал тутди, у ўхчиб-ўхчиб, лаблари гезариб кетди, ёстиқ остидан рўмол чиқариб, оғзига тутди, йўталганда жуда қийналди шекилли, чекка томирлари бўртиб, кўзлари намланди. — Шунақа экан-да, — давом этди у ўзига-ўзи гапираётгандек. — Одам ўзи келиб, ўзи қайтиб кетавсера экан-да. — шу гап баҳонасила ёдига нимадир тушиб қолиб. — Ўзинг келдингми? — деб сўради.

— Ҳа, ўзим.

— Айтувдим, шунақа бўлади деб, айтувдим.

Невара кириб ўрғага дастурхон ёзди.

Нон қўйиб ушатди, ликопчаларда қанд-қурс, майиз келтирди. Каттакон чинни чойнакда чой олиб келиб, чойни қайтарди. Дастлабки пиёлани бобосига узатди, кейин собиқ вазирга. Шу юмушларни бажариб бўлгунча чол унга индамай қараб турди. У ўрнидан туриб, ташқарига йўналмоқчи бўлганида, чол тўхтатиб, сўради:

— Облоқул амакинг қаерда?

— Даштда.

— Даштда нима қиляпти экан?

— Қўйларга янтоқ чопяпти экан.

— Қанақа янтоқ?

Бола индамади.

— Бир кун янтоқ чопсин, икки кун чопсин, ана-а, бор-ей, уч кун чопсин, икки ҳафтадан буён янтоқ чопадими?

Бола индамай тураверди.

Чол ҳам ғазаби босилгунча сукутга кетди.

Кейин болага:

— Бор, айт, олдимга келсин, — деб буйруқ берди.

Бола чиқиб кетди.

Ярим соат ўтар-ўтмас остонада бир қарашда аниқ ёшини биллиб бўлмайдиган қоп-қора бир одам кў-



ринди. Унинг юзининг озғинлигини супургидай соқоли яшириб турарди. Ёз чилласи бўлишига қарамай, у асл ранги қанақалиги ҳам билинмай кетган кўйлаги устидан сарғиш жемпер кийиб олган, тиззаларига катта-катта ямоқ солинган шимиям турқи тароватига мос эди. У этигини ечмай турарди, шу боис, қўлини кўксига кўйиб салом берди-да, остона остидаги пўстакка чўка қолди.

— Ке, Облоқул, дастурхонга яқин ўтир, — деди чол оҳиста, уни эркалаётгандек.

Собиқ вазир ҳайрон бўлди. Ие, бу ўзининг опасининг ўғли — Пушкин-ку? Қанақасига Облоқул бўлиб қолди?

— Шу ер бўлади, — деди келган киши этигига бир қараб кўйиб; ажабмаски, оёғи терласа, шунинг учун этигини ечишга ҳам ийманаётгандир.

— Келавер, — деди чол унинг ичидаги фикрни уққандай. — Тупроқ, ўзимизнинг тупроқ. Меҳнаткашнинг этигинг билан тўрга чиқдинг деб ҳеч ким уришмайди, келавер.

Келган киши илож тополмади. Яқин келди. Энди чол билан ҳам, собиқ вазир билан ҳам кўл беришиб кўришди. У ўтиргач, чол бошчилигида яна омин қилишди.

— Нон ол, чойни қайтар, — ўргатиб турди чол.

Келган киши чойнакни олдиға тортиб, собиқ вазирга чой қўйиб узатди. Бир тишлам қора нон синдириб, оғзига солди.

— Пушкин, сизми? — деди собиқ вазир негадир уни сизсираб.

— Ҳа-я, бунинг исмини сен қўйгандинг-а, — деди тоға алланималарни эслагандай бўлиб кўзлари бирров йилт этганча чақнаб.

Аввалги Пушкин-ҳозирги Облоқул ялт этиб тоғасига қараб олди.

— Энди замон ўзгарди, — деди тоға собиқ вазирга ниманидир уқдирмоқчи бўлгандек. — Авваллари кўйишмас эди, энди ким мачитга бормаса одамлар майна қиладиган бўлиб қолишган. Мана, Облоқулбой ҳам бола-чакали, неварачеварали бўлгани учун мачитга бормаса бўлмас эди. Аммо мачитнинг остонасидан иккари қадам босиб кириш учун унга сиз кўйиб кетган исм изи бермас эмиш...

— Нима учун? — деб сўради собиқ вазир хайралини яширолмай.

— Негалигини ўзингиз яхши билсангиз керак, тоға? — гинғиллаб кўйди аввалги Пушкин-ҳозирги Облоқул ундан норозилигини яширмай.

— Отангиздан қолган боғни қарайдиган одам бўлмаганидан кейин, шу Облоқулбойга омонат топшириб кўйиб эдик, — деди чол муддаога кўчиб.

— Пушкинга денг. — тузатди тоғасининг гапини собиқ вазир.

— Мачитда бир қора кўчқорни сўйиб Пушкин номини Облоқулга алмаштирдик, — деди тоға унинг қилган хатоси ўзлари учун нечоғли қимматга тушганини писанда қилгандай.

Унинг ёдига жиянига улуғ шоирнинг номини кўйгандаги ҳолати келди. Ўшанда қишлоққа келганида олмаси унга жиш чақалокни кўрсатиб:

— Шунга сиз исм кўйиб беринг, сиздай бўлиб юрсин, — деганди.

Поччаси бўлса, подачининг боласига бирер бир жайдари исм ҳам бўлаверади-да, дейишига қарамай, собиқ вазир чақалокқа Пушкин деб исм кўйганди. У ўшандаям, ҳозир ҳам улуғ шоир Александр Пушкиндан бошқасини тан олмас, ўқисаям фақат унинг насарларини ўқирди, ҳозир ҳам беихтиёр калласида ўшанда ёд олган шеърлардан бири айтанаркан. Ёдидан чиқмаганига ҳайрон қолди.



*Сибир конларининг тагида.
Магрур сақланг сабот ва чидам.
Ғамгин заҳмат кетмас беҳуда —
Юксак хаёл, амалингиз ҳам.*

*Бахтсизликнинг содиқ синглиси —
Умид қора чуқурда, инон.
Қўзғар ғайрат, қувноқлик ҳиссин,
Келур орзу этилган замон.*

*Мушкул жазо инларингизга —
Эркин тоғшим етган сингари.
Пулат қопқалардан ўтиб ичкари —
Севги, дўстлик етади сизга!*

*Парчаланур оғир кишанлар,
Зиндон қулар ва эрк шодумон.
Пешвоз чиқар эшикда у он,
Қилич берур сизга ёронлар.*

Собиқ вазир хаёлига ҳозир нега айнан шу шеър келганининг сабабини тушунтириб беролмаса-да, худди ёшлик йилларига қайтгандек бўлди.

— Пушкиннинг ҳам бобоси мусулмон бўлган, оти Йброҳим, — деди собиқ вазир афсуслангандай, шу асно ўзи қўйиб берган исми алмаштиришганидан анча малолланиб. — Бекор қипсишлар-да.

Аввалги Пушкин-ҳозирги Облоқул ялт эгиб собиқ вазирга қаради. У ўзининг аввалги исмида бунақа ҳикмат борлигини билмас эди, хаёлига исминини алмаштираман деб мачитга судраб борган қора қўчқори келди ва беихтиёр солдадиллик билан:

— Мачитдагиларнинг гўшт егиси келган экан-да, — деб юборди.



— Унақа дема, уяғ булади, — деди тоға аввалги Пушкин-ҳозирги Облоқулга яниётгандек қараб. — Ўзинг эшитдинг-ку, мулланинг гаини — ё исмини алмаштирсен, ё мачитга келмасин деб икки оёғини бир этikka тикиб туриб олди, уям бир нарсани билмаса гапирмас, мулла Фазлиддин анов-манов койдамас, Бухорода ўқиган.

Тоға мулла Фазлиддиннинг таърифини қилар, собиқ вазирнинг хаёлида эса ҳақиқий Пушкиннинг сатрлари айланарди.

«Мулла Фазлиддин айтадики, — деди тоға алми-соқдан қолган қандайдир бутга сиғинаётгандек. — Бундай ножоиз-номақбул исми бир бандаи мўминга билиб-билмай қўйишган».

«Нега? — ўйлади собиқ вазир Пушкин сатрини эслаб. — Узоқ замон халқ меҳрига бўлажакман мушарраф».

«Шу боис, бу бандаи мўмин ўзи билиб-билмай шунча вақтлар азият чеккан».

«Чунки чорловим билан эзгу ҳислар туғдирдим».

«Мана, шукрлар бўлсинким, ҳурлик замонига етиб келдик».

«Шу ёвуз замонамда қўрқмай эркин мақтадим».

«Энди бу бандан мўминнинг ўз ҳақини қайтармоқ, яъниким, исмини Облоқулбой деб атамоқ вожибдир».

«Хор-зорларга ачинмоққа чорчадим».

Забон ато этилган атмисоқдан қолган бутнинг нималар деганини тоға эслаб такрорларкан, собиқ вазир таинда индамаса-да, ичида унинг ҳар гапига ҳақиқий Пушкиннинг сатрлари билан жавоб қайтариб турди. Аммо шу асно яна бир нарсани фаҳмладики, у қанчалик жидди жаҳд қилиб ўзини исботламоққа ҳаракат қилмасин — бари бефойда, ҳақиқий Пушкин

тугул, бошқа авлиёси тирилиб келсаям бунинг эпини қилолмас эди.

Тоғи мақсадга кўчди:

— Облоқулбой, мана боғнинг ҳақиқий эгаси келди, — деди аввалги Пушкин-ҳозирги Облоқулнинг кўксига тиг санчиётгандек. — Тоғанг ўша ишда ишлаб турган пайтида айтганда эди, колхоздан ер беришарди, энди беришмайди — буни биласан, ҳаммаси эгаллик бўлиб кетган. Энди ўша отасидан қолган боғда яшайди-да, четда, тинчгина...

Аввалги Пушкин-ҳозирги Облоқулнинг ранги тезариб кетди. Унинг қўллари билинар-билинмас титрай бошлади.

— Шунга чақирганмидингиз? — деб сўради галати оҳангда, овози қалтираётгандай чиқди.

— Шунга эди, — деди чол суҳбатга яқин ясаб.

Аввалги Пушкин-ҳозирги Облоқул ўзича омин қилиб чиқиб кетди. Унинг ҳолатини пайқаган чол индамади.

У кетиб қолмади. Паналаб кутиб турди. Собиқ вазир ташқарилаганда, югуриб чолнинг олдига кирди.

— Бобо... — дея сўз бошламоқчийди; биламан, биламан, дегандай чол қўлини хиёл кўтариб, уни тўхтатмоқчи бўлди. Барибир, аввалги Пушкин-ҳозирги Облоқул бўш келмади:

— Бобо, боққа сзмунча меҳнатим сингдимми? Сиз айтувдингизки шу боққа қара, бирор кунингга ярайди, деб.

— Тоғанг учун қилсанг қилибсан-да, — деди чол, шуниям гапириб ўтирибсанми, дегандай.

— Э! — аввалги Пушкин-ҳозирги Облоқул қўл силтаб юборди. — Шунча йил вазирлик қилиб тоғамнинг бизга бирор ёрдами тегдимми? Тўй-маъра-кага келсаям, райкому раисполкомлар олиб келиб, олиб кетишарди. Ана-а, кунига ярасин энди ўшалар. Боғим

Бор, боғимга қараб турган жияним бор деб, эстонамизга қадам ҳам босмасди-ку?!

Аввалги Пушкин — ҳозирги Облоқулнинг гинакудуратларига чол бепарво қулоқ бериб турди, сўнгра уни масхаралаётгандай:

— Нима, сен райком ё раисполкоммидинг? — деди.

Аввалги Пушкин-ҳозирги Облоқул жиртак отди:

— Жияниман-ку?!

— Вазир бўлгандан кейин райкому раиспол-ком-лар билан гаплашиб, ўшалар билан юради-да.

— Гаплашаверсин.

— Энди вазир эмас, сенинг тоғанг, — деди чол уқтираётгандек.

— Боғни бермайман! — тўсатдан аввалги Пушкин-ҳозирги Облоқулнинг феъли чаппасига айланиб кетди. — Катта ўғлимни кўчириб бормоқчи бўлиб, у ерга битта уйча ҳам қуриб кўювдим. Ана-а, боғинг бор, уй ҳам қуриб қўйибсан деб, хўжаликдан энди ер ҳам беришмайди. Бориб ётиб оламан!

— Ундай қилма, — ўргатди чол. — Одамлар гапиришади.

— Гапиришса гапиришаверсин!

— Жа-а қизиқсизлар-а, — чол энди овозини кўтарди. — Мен сизларга илгарилари айтмабмидим, ёғ эганда ёт яхши, қон ичганда қариндош, деб.

— Айтувдингиз.

— Бўлди-да! Тоғангни кўчириб боравер боққа!

— Бобо, сизни ҳамма ростгўй, чўрткесар, ҳеч кимни алдамайди дейишади, — аввалги Пушкин-ҳозирги Облоқул энди чолни тилидан тутмоқчи бўлди. — Қарайвер, боғ сенга қолади деб, мени алдаб ишлатган экансиз-да?

— Э, лодон, — деди чолнинг жаҳли чиқиб, унинг жаҳли чиққанини шундан билса бўлардики, бундай пайтда ҳаминша «нодон» сўзини «лодон» деб ишла-

тарди. Ўзича бу сўзнинг маъносини янада қўшиб-тирмоқчи бўларди. — Боғ сенга қолмай, менга қолармиди? Меннинг бир оёғим ерда бўлса, иккинчиси тўрда, лаҳаднинг ичида. Тоғанг худди ўз боғига эгалик қилгандай бўлиб турсин, одамлар кўрсин, сенгаям, тоғанггаям раҳмат десин, келиб, отасини чироғини ёқди, десин. Кейин бир гап бўлар-да. У ер қарармиди, ток чопармиди, ўт ўрармиди — ҳаммаси сеники-да. Тўрт кунлиги борми-йўқми, қараб туринглар, адо бўлган ўзиям...

Чол жимиб қолди.

Аввалги Пушкин-ҳозирги Облоқул бошини ҳам қилиб, пича ўтирди-да, таслим бўлди:

— Майли, кўчириб боришсин, лекин, мен эмас, бошқа одамлар кўчириб боришсин!

— Бошқа одамлар кўчириб боришади, сен хабар олиб турасан — боғ сеники!

Аввалги Пушкин-ҳозирги Облоқул индамади.

Чол ўз ишидан қаноат ҳосил қилиб:

— Бор, энди янтоғингни йиғиштириб кс, — деб, унга эркинлик бериб юборди.

— Чой борми? — деб, эшикдан мўралаган неварасини чол имлаб чақирди ва унга собиқ вазирнинг узоқроқ қариндоши бўлган икки кишини эртага тушга яқин эшак арава билан келиши кераклигини тайинлаб қўйишчи буюрди. Улар, нима учун эшак арава билан деб сўрашса, невара, ишларингиз бўлмасин, боёбом шундай буюрдилар, дейиши керак экан.

Невара бу гапларнинг барини ичида пишитиб турганда ҳассага таяниб остонага қўтарилаётган собиқ вазирнинг қораси кўринди.

— Бора қол, энангга айт, овқатга қарашсин, — деб, чол неварасини чиқариб юборди. Кейин жиянга тикилиб туриб:

— Сен ҳам ҳасса тутибсан-да, — деди.

— Олги ой бўлди, — собиқ вазир зўраки илжайди. — Чап оёқнинг мазаси йўқ, — шундай деркан, бу ҳассани совға қилган султонни эслаб қолиб, тоғаси билан унинг орасида қандайдир ўхшашлик-боғлиқлик борлигини пайқагандай бўлди.

— Оёқми, тиззами?

— Шу-у... тизза-да, туз йиғилган, дейишди.

— Офтобга солиб ўтириш керак, — инқиллади чол ўзининг ҳар иккала оёғи зирқиллаб оғрий бошлаб. — Офтоб яхши қилармиш.

— Иссиқ қум ҳам яхши экан, — қўшимча қилди собиқ вазир.

Чол бажонидил қўшилди:

— Иссиқ қум ҳам яхши.

Собиқ вазир жойига ўтириб, ҳассасини ёнига қўйди.

— Иссиқ қум ҳам яхши, — минғирлади чол ўзича қандайдир чуқур хаёлга толиб. — Офтоб ҳам яхши. Ҳаммаси яхши, ҳаммаси яхши.

Шу тариқа улар у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди.

Эртаси куни тушга яқин собиқ вазирнинг аввалдан тоғасининг уйида сақланиб келган кўчкўронини, кўрпа-тушагини иккита узоқ қариндоши эшак аравага юклашди. Унинг ўзини юкларнинг устига ўтқозишиб, ҳассасини қўлига тутқазиб қўйишди. Бу эшак аравала ҳаммаша гўнг ташилар, сомон, похол, пичан ортилар, ҳар хил қаланғи-қасанғи, усти бошлари минг ямоқ одамлар минншар, ясалганидан буён бунақа обрўли, шляпа-ю шим-костюмдаги, ҳатто бўйинбоғ боғлаган, ҳатто вазир бўлиб ишлаган одамнинг энди ўтириши эди. Бу эшак арава қишлоқдан боққача олиб бориладиган йўлни, бу йўлдаги шу бугунги сафирни кейинчалик қанча завқ-шавқ билан эсласа арзирди.

Боғ қишлоқдан уч-тўрт чақирим нарида. Мой тупроқ билқиллаб ётган йўлдан кетилади.



— Тупроқ қизиб кетипти, — деди араванинг ёнида бораётган, йиртиқ калиш кийган қариндош анчадан буён тиг тегмаган афгини тириштириб. Чамаси, унинг калишини иртиқ жойидан тупроқ кирган эди.

— Ҳа, тупроқ қизиб кетган. — тасдиқлади иккинчиси ва бу ҳолнинг ёлғиз сабабчиси бўлмиш қуёшга қарамоқчидай, кўзларини қисиб осмонга тикди.

Йўлнинг икки четида ўсган янтоқ, шувоқ, ковул сингари ўсимликлар устига тупроқ ўтиравериб, уларнинг ранг-тусини ўзгартириб юборган. Аҳён-аҳёнда буталар орасидан туссиз қушлар учиб чиқиб, ҳаволайди.

— Иш-иш! — эшакни тўхтатди оёғи қизиб кетган қариндош.

Арава тақа-тақ тўхтади.

У, нима гап экан, дегандай кўзини устига тушириб олган шляпасини кўтариб, теварак-атрофга қаради.

Бийдай дашт. Ҳамма ёқни қуёш қиздириб ётади. Узоқлардан жимирлаб-жимирлаб сароб кўринади. Эшакни тўхтатган қариндош йўлни кўндалангига иланг-биланг кесиб ўтган силлиқ изга бирпас тикилиб туриб, ўзидан бўлак ҳеч ким билмайдигандек:

— Илон изи! — деб эълон қилди. Шериги:

— Қани? — деганича унинг олдига югуриб борди.

Собиқ вазир ҳам йўлга қаради, кўзи ўтмади, шекилли, ҳеч нима кўрмади. Иккаласи бўлса, чўкка тушиб, тилла қидираётгандай обдон изга тикилишди.

Кейин оёғи қизиган қариндош туйқусдан ўрнидан сакраб турди-да, таёғи билан буталар остини тиг-килай-титкилай чап томонга кириб кетди. Шериги белини ушлаганча унинг ҳаракатларини кузатиб турди.

Беш-ўн дақиқа ўтмаёқ калиши йиртиқ қариндош кўнш бадани холли-холли, йўгонлиги бош бармоқдай келадиган илонни таёқнинг учига илинтириб чиқди. У энди тупроқнинг қизиб кетганини ҳам унутган, тилла топган гадойдек ҳадеб илжайар, ўқгин-ўқгин:

— Кўлвор экан, — деб қўярли.

Илон таёқнинг учидан шалоплаб ерга тушиб кетар, лекин, қочиб қугилишнинг иложини тополмасди: ахийри, тақдирга тан бергандек, кулча бўлиб ётиб олди.

Калиши йиртиқ қариндош иягини кирт-кирт қашиб, пича ўйланиб турди-да, кейин собиқ вазирнинг ашқол-дашқолларини титкилаб, у ердан чиррайли шиша банкани олди.

— Зўр экан, — деди у банканинг у ёқ-бу ёғини айлантириб кўриб. — Қопқоғиям бурама-я!

— Кофе қутисин... — минғирлади собиқ вазир. Қариндош ўз хаёли билан банд эди, эшитмади, кейин шартта:

— Шу банкага манави илонни солиб қўйсак, — деди. Собиқ вазирнинг илонга ичи ачидими ёинки банкани аядими, ишқилиб:

— Қўйиб юборсаларингиз-чи, — деди.

Қариндош унга масхаралаётгандай бўлиб қаради:

— Э, йўқ! — деди собиқ вазир илонни ундан тортиб олиб, қўйиб юборадигандек бир тарзда. — Буни бозорга олиб чиқиб сотсак, эвазига бир пуд буғдой беради. Бир пуд-а! Ҳазилми сизга бу?

— Ким ҳам оларди уни? — деди собиқ вазир ишонқирамаётгандай.

— Олишади! — деди ишонч билан қариндош. — Ҳозир нима кўп, касал кўп. Дўхтирга боргандан, ўзини илон билан даволагани яхши-да. Типратикан ҳам даво. Дўхтир, дўхгир дейишади; нима у дўхтир? Мана, сиз яхши танирсиз, эшитган ҳам чиқарсиз, яқинда қўшни қишлоқда раис бўлиб ишлаган бир одамнинг қорни тўсатдан оғриб қолибди. Дўхтирга олиб боришипти. Ҳа, депти дўхтир, бу ким? Бу раис эди, депти қариндошлари. Раис эдими, деб суюниб кетипти дўхгир. Ҳа, дейишипти қариндошлари. Дўхтир уни столга ётқазиб, дарров қорнини ёрипти, операса

қилипти. Ана иннайкейин, раис эди, деган қариндошларининг айтган гапларига пушаймон қилдирипти. Қорнини ёрганига мўмай пул санаб олгач, фалон дорихонадан манави дорини олиб келинглари бунисини олиб келинглари, деб қоғоз ёзиб бераверишди, улар олиб келаверишипти, олиб келаверишипти, шунча дорини филга овқат ўрнида едирса, фил бўкиб ўларкан. Яна денг, ҳар битта дорининг нархи шунақа осмонда эканки, у дорини сотиб олгандан, ўнги камбағалнинг индамай оёғини узагиб, жаннатни ҳидлаб тургани маъкул экан. Шу денг, раиснинг бир ўғли бор экан. Дуч келган жойга, деворгами, ўтирган ўрнигами, имзочасини қўйиб кетавераркан, катталикнинг машқини олиб юраркан-да. Тарки олат амри маҳол деб, дорихонадан дўхтирхонага боргунча ҳар бир дори қутисининг чеккагинасига бебилискигина имзочасини қўйиб қўяверипти. Шунгача бориб египтики, баъзи бир дориларни дўхтир икки мартадан буюрипти. Раиснинг ўғли янги сотиб олган дори қутисининг чеккагинасига имзочасини қўяман деса, ўзининг имзочаси турипти-да! Ана-а, гап қаёқда экан, дўхтир билан дорихоначининг тили битта экан, дўхтир ёзиб бераверар экан, дорихоначи сотаверар экан, дўхтир дорини дорихоначига қайтариб юбориб, яна ёзиб бераверар экан, дорихоначи яна сотаверар экан, битта дорини юз марта, ҳатто юз мартадан ҳам кўп сотган дейишади. Ана-а, гап қаёқда! — илон тутган қариндош собиқ вазирга тиржайиб қаради. — Ана иннайкейин бўпти-ку жанжал... Дўхтирни бу жойдан олиб у жойга қўйишипти, дорихоначини у жойдан олиб бу жойга қўйишипти, тамом-вассалом!

— Бизнинг давримизда бунақа гаплар йўқ эди, — деди собиқ негадир узоқларда жимирлаётган саробдан кўз узмай. Илон тутган қариндошнинг пала-партиги гаплари остидаги фожиа унга қаттиқ таъсир қилган юраги санчий бошлаганди.

— Даврингиз ўтди, тоғажон, — деди белини ушлаб турган қариндош «тоғажон» сўзига алоҳида урғу бериб.

Илон тугган ўзини табиблардек ҳис этиб, илонни банкага қамади, ишбилармон сотувчилардек банканинг у ёқ-бу ёғини айлантириб кўрар экан:

— Ўша дўхтирлардан манави илоннинг ўлса ўлиги ортиқ-ла! — деди ўзи ҳам сезмаган ҳолда мазмундор гап қилиб.

Энди у тупроқнинг иссиқлигидан ҳам, калишнинг тешигидан кириб оёғини куйдираётганидан ҳам шикоят қилмай қўйди, аксинча, ғайратга миниб, яна топармиканман, деган умидда ён-атрофга аланг-жаланг назар ташлаб кетаверди.

Боққа етишди.

Боғ деганлари одамларнинг беш-олти сўтихдан тоқзорлари эди. Оқар сув ўтгани учун шу ерни танлашиб, боғ қилишган. Айтишларича, бу гапгаям салкам юз йиллар бўлган, ҳозир ариқ суви кичрайиб, тубида жилдирабгина оқади. Бу ерда ҳеч ким муқим турмасди, ертоқлар бўлгани учун ток очиш, чопиш, қирқиш, кўмиш ишларини бир кун-ярим кунда бажариб қишлоққа қайтиб кетишарди. Узум пишгач, кечкурунлари келишиб, бир челақ-ярим челақ узум узиб кетишарди. Тоқзордан ташқари боғда катта-катта ўриклар, ёнғоқлар бор эди. Собиқ вазирнинг боғи четидаям кичкинагина ёнғоқ бор эди, жудаям катта-кичи, ҳаммаёқни сояси босиб кетипти.

Тоғанинг хоҳиши билан собиқ вазирнинг боққа кўчиб боришидан икки йил аввал Гавҳар деган жувон ҳам оиласи билан кўчиб борганди.

Унинг боққа кўчиб боришининг ўз сабаби бор эди.

Гавҳар ўттизларга бориб қолган, қоп-қора, дев-қомату фил кучига яраша яратган тилдан ҳам унга уч-тўрт кулоч берган, қаёқдаги бўлмағур сўзларни

топиб шаллақилик қилишга суяғи йўқ эди. Қайната-қайнанаси унинг ишидан рози, узидан рози, уй тутишидан рози, кўчқордай-кўчқордай неваралар тутиб берганидан рози, тилидан безор эдилар! Бу тилдан кўни-кўшнию бутун қишлоқ аҳли ҳам зир-зир титрашар эди. Агар, у тилига бир эрк берадиган бўлса, тўфондай тошар, бўрондай қутирар эди. Қадимчи юнон шсири Эврипид айнан шу Гавҳарни тасаввур этиб, ўз замонасида унга қасида битиб кетгандай эди.

*Даҳшатлидир қутирганда денгиз тўфони,
Даҳшатлидир суе тошқини, ёнғич баласи,
Даҳшатлидир қашшоқлик... лек жоҳил аёлнинг
Ғазабидан қарқор даҳшат йўқдир ва бўлмас!*

Алал-оқибатда унинг тилидаги ҳаяжон кўлигаям ўтиб, биревларни босиб урар, шундан кейингине хумордан чиқиб, сокин нафас олар эди. Ахир... алдаб-сулдаб, уй қуриб бериб, боққа кўчиришди-ю, унлан қутилишди. Шу боис... икки йилдирки, Гавҳар қишлоқдан узилиб қолди. Шаллақилиги кучаяверса, эри-ю болалари гугуртними, тузними баҳона қилиб, қишлоққа жўнаб қолишар, шу тариқа кунни кеч қилиб қайтишарди. Одам тополмаганидан, Гавҳар дарахтлару ўт-ўланлар, мол-қоллар, булутлару қуёш билан ҳам гаплашиб кетаверарди. Қарғаси келсаям, шуларни қарғаб захрини сочарди. Бора-бора одамни соғинадиган, одамни кўрса, оғзидан бол томиб, қўйгани жой тополмайдиган бўлиб қолди. Бирор баҳона билан қишлоққа бориб қолса, бир уй аёлни оғзига қаратарди.

— Одамдан айланайин-а, одамдан айланайин! — дерди оқ рўмолни бошига елвагай ташлаб олиб зангори экранда чиқадиған, жумлаи жаҳонни сафсаталари билан лол қолдирмоққа жидау жаҳд қилган маддоҳ аёллардан ҳам ошиб тушиб. — Одамнинг пе-

гинасидан айланайин-а!
Гўристондэй кимсасиз
жойларда билинаркан-да
одамнинг қадри. Кекса-ми-
ёшми, одамнинг қо-шу
қўзларидан айлана-йин-а.
Оёғининг гардини
қўзларимга тутйё қилайин-
а!

Ана шундай кунларда
барчанинг оғзидан Гав-
ҳар, унинг «доно» гап-
лари тушмасди.

— Худо назар қилса
шунақа буларкан-да! —
таърифлашарди уни. —
Олдида утирсанг би-ир
гапларни айтадики, би-ир
гапларни айтадики, қай-
моқ саятгандай бутасан.

Бир гал Гавҳар қўли-
ни ошпичок билан ке-сиб
олиб, туман марказидаги
дўхтирхонага борди. Ёш-
гина дўхтирнинг оғзини
уз гаплари билан данг оч-
тириб қўйди. Дўх-тир,
нинг қўлини дорилаб
боглаб қўйди-да, янада
жилдийроқ дардтарингиз
ҳам борга ухшай-ди-ку
деб, уни рухний касаллик-
лар шифокори ва кўрсатди.
Маълум бўлишича, ши-
фокорения ва яна алла-





нимабало деган касалликлариям бўларкан уларнинг. Гавҳарнинг сўзамоллигига қойил қолишганидан ана шунақа касалликларни ҳам унга беришиб, фалон-пистон қоғозларни тўлдириб келсангиз, сизни инвалидлик пенсасига чиқарамиз, еттита болани боқиб катта қилаётганингиз иш стажига ўтади, дейишди. Гавҳар бу гапни ҳаммаёққа ёйиб чиқди, қишлоқ аёлларининг ярмидан кўпи пенса дарагини эшитиб, ўша дўхтирга югуришди; бизга ҳам ўша касаллигингиздан берасиз деб, унинг ёқасига ёпишишди. ўзи ораларингизда соғларингиз йўқ экан, деганича дўхтир амаллаб қутилди.

Собиқ вазирнинг боққа кўчиб келиши ана шу вақтларга тўғри келганди.

Аравани йўлда қолдиришиб, икки қариндош собиқ вазирнинг кўч-кўронини елкага олишди, ўтира турнинг, дейишиб унинг ўзини туширишга шошилишмади.

Гавҳарнинг уйи олдидан ўтишди.

Гавҳар супада ўз-ўзича нималарнидир минғирлаб кир ювиб ўтирар эди.

— Ҳорма, Гавҳар! — қичқирди қариндошлардан бири.

Гавҳар чўчиб тушди.

Ўгирилиб, уларни кўргач, шоша-пиша лозими устига кўйлагининг этагини тортиб, ёпди.

Уларни таниди.

Таниб, шодланди.

— Во-ой одамнинг исидан айланайин-а, исгинасидан айланайин-а, одамнинг! — деди ҳавони искаб кўраётгандай бурнини чўзиб. — Бора-бора билинарканда одамнинг қадри! Во-ой, айланиблар кетайин-а, кўчиб келаяпсизларми? — У бир муддат анграйганча қараб қолиб, кўпчилик одамни кўраётгандай бўлиб, таажжубу қувонч аралаш қайталаб сўради. — Во-ой, ҳаммаларингиз кўчиб келаяпсизларми?

— Вазир бовани кўчириб келяпмиз, — деди илон тутиб олган қариндош у томонга қия қараб.

Гавҳар бу хабарни эшитиб, ҳовриқиб кетди.

— Во-ой, қани ўзлари? — деб сўради.

— Аравада қолдилар.

Гавҳар қўлига ёпишган кўпикларни тоғора ичига сиғдириб ташлади-да, саросар ўрнидан турди. Кўчага қараб чопди. Тили оёғидан ҳам илдамлик қилди.

— Во ой айланайин вазир бовадан! — дея тинмай шакиллай кетди. — Аравада ўтирибдиларми-я! Шундай вазир бова-я! Раҳматли оғам айтардиларки, вазир бова келаверсалар, ҳамма тик оёқда бошини эгиб туради. деб. Нимага бошини эгади шунча олам? Ҳурматигада! Во-ой, ман аввалроқ битмайманми-я шуни? Чиқиб кутиб олмайманми? Чиқибгина кутиб ол-майманми-я?..

Гавҳар ҳаллослаб қолди. Кейинги пайтларда феъли қанчалик майинлашгани сайин, гавдасиям шунчалик тарвақайлаб, кулоч етмас бўлиб бормоқдайди. Эшак арава устида яретбардори Санча Пансони кутаётган диловар рицар Дон Кихотдек бўлиб ўтирган собиқ вазирни кўрган заҳоти Гавҳар таққа тўхтаб, валди-рашин-де бас қилиб, қотди-қолди. Фақат ҳарсиялагани эшанилар, тоғдай-тоғдай кўкраклари гурсиллаб кўтарилиб тушаётгандай эди. Кейинчалик у ўзининг бу ҳолати ҳақида, мани вазир бованинг ҳаёси-ю салобати босиб қолди, деб ошиқ-ойдин айтди. На олдинга, на орқага қадам ташлашга юраги дов бермаётгандай эди. Анча муддат ана шундай қакқайиб турди-турди-да, туйқусдан тили ечилиб кетгандай:

— Ассалому алайкум, вазир бова, — деб, қўлини кўксига қўйганча, хуштавозе бўлди. — Кўчиб келибмиз-да.

Унинг ҳорғин кўзларига нур ингандай бўлди. Гавҳарнинг саломига алик олди.



— Ҳа, кўчиб келдим, — дея хўрсиниб қўйди.

— Во-ой, одамдан айланайин-а, — қўшни топилганидан, қўшни бўлгандаям чакана қўшни эмас, вазир бовадай қўшни топилганидан Гавҳар шодлигини ичига сиғдиrolмасди. — Ҳозир борлиб чойга қарайин-чи...

Изига қайтаркан:

— Ҳо-ой Наргиза, чой қўй, қумғонни ўчоққа ос-а, жувонмарг! — дея кувончли довул кўтарди.

Қариндошлар нарсаларни ташиб бўлишганидан кейин собиқ вазирнинг кўлтиғидан ушлаб унинг ерга тушиб олишига кўмаклашишди. У анча вақт қимирламай турди, оёқлари увишиб қолганди. Кейин ҳассага таянганча битта-битта қадам ташлаб уни кўчириб келганларнинг ортидан юрди.

Аввалги Пушкин-ҳозирги Облоқулнинг аламзадалигида жон бор эди. У боғнинг бир чеккасига, каг-такон ёнғоқ дарахтининг остига шинамгина уйча қуриб қўйганди. Уйчанинг олдида ер супа. Ёнғоқнинг сояси тушиб тургани учун бунақа салқин жойни қишлоқда топиб бўлмасди.

— Ҳозир кун иссиқ, — деди илон туғиб олган қариндош пешанасининг терини артиб. — Кечаси мана шу супада ётсангиз ҳам бўлаверади.

— Электр ўтказилмаган экан-да, — деди собиқ вазир тепага қараб.

— Ойнинг ёруғи етади, — деди нариги қариндош. — Нима, сиз кашта тикармидингиз?

Қишлоққа қараганда боғ анча-мунча салқин, баҳаво эди. Собиқ вазир теварак-атрофга разм солди. У кўзини ўргатди. Кўз таниш нарсаларни қидирди собиқ вазир. Эслади: мол-ҳол кирмасин деб, боғнинг атрофини пахса девор билан ўраб қўرғон қилишувди эгалари. Ўша девор кўринди. Нурай-нурай, ўрқач-ўрқач бўлиб қолганди. Тикланиб кўринди.



Ана-а... Эсонқул девкор! Кетмонсоқол, ҳайбатли одам, кафтлари супадай-супалай келади, пахсани ана шу девкор ураяпти.

Ана-а... Унинг отаси. Пешанасини қийиқ билан тангиб олган, кўллари ортида, бироз энкайган куйи той тепяпти.

«Нишиг-а, пишит; сақичдай бўлсин», — гулдирайди Эсонқул девкор.

Ана-а... Ҳаммалари таниш одамлар. Дарахт остида давра куриб, қўр тўкиб утиришибди. Сопол косани бошларига кўтарганча қатиқланган уграни «хур-хур» ичишади.

«Ҳа-а, қўлинг дард кўрмасин-а, Ризвон!»

У қалқиб тушди. Ким? Кимнинг овози? Ким эди унинг онасини олқишлаган?

У аниқ эшитди. Шунча йиллар қайси дарахтнинг қавагида яшириниб ётган экан бу овоз? Эгасига етганмикан бу овоз? Ё энди қидириб кетдимикан? Топиб борармикан, топиб борармикан? Топиб борадиган бўлса, йўлбошловчи бўлиб собиқ вазирниям нега эргаштирмади? Етиб юролмайди дедими? Ахир, тиззалари оғриғини ҳам унутганча, ҳассасини бир четга ташлаб югурмасмиди, тойчоқдайин сакраб-сакраб кетмасмиди, шамол бўлиб елмаемиди?

Унинг миғжалари намланди.

Бир қўлида нон ўралган дастурхон, иккинчи қўлида тунука чойнак кўтарган Гавҳар:

— Дориламон кунларгаям етиб келдиг-а, замонамиздан айланайин-а, замонамиздан ўргилайин-а, -- деганича қувончини ичига сиғдирилмасди.

Қўлидаги нарсаларни супа четига қўйиб, у собиқ вазирнинг юклари орасидан бир шолча топди, четга чиқиб уни қокди ва ёнғоқнинг шундоққина тағига шолчани тўшаб жой қилди. Кейин кўрпача тўшаб болни қўйди, дастурхон ёзиб, нон ушатаркан, уйча



олдида ҳассага суянганча ҳардамхаёл турган собиқ вазирни чақирди.

— Келинг вазир бова, чой ичиб олинг, кейин қарайверасиз, — деди собиқ вазирни қасққадир қараяпти, шекилли, деган гумонда.

У шолча тўшалган томонга йўналди.

Гавҳар собиқ вазирнинг қариндошларини таклиф қилмади.

— Чой ичиб олайлиг-а, — дея қариндошлар бири-бирларига гап маъқуллаштишиб, собиқ вазирнинг ортидан эргашиди.

Икки-учта пиёла, талқон солинган тақсимча кутариб келаётган ўн-ўн бир ёшлардаги қизча уч-тўрт қадам нарида тўхтаб, иккиланиб туриб қолди.

— Ке, келавер, — чорлади уни Гавҳар. — Вазир бовангга салом бер.

Аяси қанчалик қистамасин, қизча жойида қажайиб тураверди. Гавҳар ўзи бориб, унинг қўлидаги нарсаларни олиб келди ва қизчани оқлаётгандай:

— Вазир бованинг салобатлари босади-да, — деб қўйди.

— Гавҳар, ошқозонинг оғримайдими? — сўраб қолди тўсатдан илон топиб олган қариндош шолчанинг бир четига чўкаётиб.

Гавҳар унга чакчайиб қаради.

— Оғримайди, нимаиди?

— Илон тутиб олдим, — деди илон тутиб олган қариндош мақтанаётгандек. — Қўлвор илон. Мобода ошқозонинг оғриганида сенга арзонроққа берардим. пишириб есанг тузаларди.

— Қўлворми-сўлворми, илоннинг турқи қурсин, — деди Гавҳар афтини жирканаётгандай бўжмай-тириб. — Ўла қолсам ҳам емасман!

— Жонинг оғриганидан кейин ейсан-а! — негадир кулди илон тутиб олган қариндош.

— Емайман!

— Ейсан!

— Емайман!

— Ейсан!

— Ундан кўра ўриснинг дорисини ичаман.

— Ўриснинг дорисини сотиб олишга кучинг етмайди.

— Нега етмас экан, етади. Икки қоп майиз сотиб, пулини тахлаб қўйганман. Жарақ-жарақ санаб бериб, олаверман-да ўриснинг дорисини.

— Ўриснинг дорисига оҳак қўшишармиш, ундан кўра илон яхши-да!

— Ўлсин илон... Турқи қурсин!

— Турқи қурсин дема.

— Дейман-да!

— Э, кўп шақиллама! — оғзидан чиқиб кетди илон тутиб олган қариндошининг.

— Шақиллайман-да! — одам исига тўйди шекилли, Гавҳарнинг эски касали қўзиб қолди. — Тилимга хўжайинлик қилолмайди ҳеч ким. Билдингми? Шақиллама эмиш. Ҳо-ой, сен ўзи ким бўпсан менга ақл ўргатадиган? Илонингни кетингга тиқиб қўяман, ўзинг ейсан, билдингми? Вазирга қариндош эканман деб тилинг чиқиб қопти-да, ҳезалак!

Илон тутиб олган қариндошни илон чақиб олгандай, ранги паға бўлиб кетди. У чой ичиш умидида ўзини Гавҳарга яхши кўрсатмоқчи бўлиб сўз бошлаганди, оқибатда калтак ейишига бир баҳя қолди. Гавҳар урғочи қоплондай унга ташланганида, ўзини четга олиб қолишга базўр улгурди, тура солиб ура қочди. Собиқ вазир Гавҳарни базўр тинчитди. У тинчиса-да, лаблари дир-дир титраб турар, қизгин фаолиятини йетаган вақтда давом эттириши мумкиндай эди.

Илон тутиб олган қариндош бир четда ўтираркан, биров эшитмайдиган қилиб пастгина товушда минглартади:



— Яхшиликни билмаган, мегажин. Сенга ҳозиргина тутиб олган кўлвор илонимни бермоқчи бўлдим, сен ноз қилдингми? Бераман-а, бераман! Бериб бўпман. Сенга берганимдан кўра, итларнинг олдига ташлаганим яхши, — у итлар пул тўлай олмасликларини хаёлига келтириб, ўй ўйлаб кетди.

— Қизча неччида ўқийди? — сўради собиқ вазир ўртадаги ноқулайликни кўтармоқчи бўлиб, ҳамон ўз жойида қаққайиб турган қизча томонга ишсиз қилганча.

— Наргиза, — тўнғиллади Гавҳар.

— Ҳа-я... Наргиза неччида ўқийди?

— Ўқимайди.

— Ие, нега?

— Мактаб бўлмаса, аммаси ўқитадими?

Гавҳарнинг аммаси ўқитадими, дегани собиқ вазирнинг кўнглини ранжитди. У бундан ранжимаса ҳам бўларди. Гавҳар қишлоқдан узилиб қолгани боис, қизини мактабга юбормаганди. Қайнисинглиси, яъни, қизнинг аммасидан гина қилишга асоси бор эди, нега деганда, у ҳали турмушга чиқмаган, бўш вақти кўп, ойнага қарайвермай, сочини тарайвермай, тушида оҳлавермай, жиянини ўқитса бўларди. Лекин, у бу ишни қилмасди, нега деганда, унинг ўзи отиниям ёзолмасди, ўн бармоқни санаб адоғига ҳам етолмасди.

Собиқ вазирни кўчириб келишган қариндошлар қайтиб кетишди.

Кечаси унинг олдига аввалги Пушкин-ҳозирги Облокулнинг ўн тўрт яшар ўғли келиб, қоровуллик қилиб ётди. Эрталаб ток пушталаридан бир қучоқ ўт ўриб кетди. Унинг кунига ана шу бола яраб турди. Гавҳар ҳам ҳар кечқурун бир коса овқат чиқаришни қанда қилмади, бу овқатларда гўшт бўлмас эди. Қишлоқдаги тўй-маросимларга собиқ вазирни тоғанинг фармойиши билан от аравада, эшак аравада ке-



либ олиб кетишарди. Шундай пайтларда у тоғанинг уйига ҳам кириб ўтар, қишлоқ кўчаларини пича айланиб келарди.

Одамлар унинг ортидан ҳар хил олди-қочди гапларни гапиришарди.

— Вазир боваям юраверган эканлар-да. — дейди бирови.

Боширси қўшилади:

— Шунча йил ишлаб ақалли битта мошин миниб келмаптилар.

— Бировларнинг эшак аравасига кунлари қолиб ўтирибди.

— Яна халқ ярайди.

— Халқдан айирмасин.

— Илгариги вазирлар вазирмиди, мана энди ҳозир вазир бўлиш керак.

— Айтаман-да, ким бўлсаям.

Ортидан шунақа гапларни гапиришсаям олдида уни ҳурмат қилишар, айниқса, тўй-маъракаларга тоғаси билан бирга боргани учун иззати жойида эди.

Шу тариқа ой ўтди.

Бу орада қишлоқда ғалати миш-мишлар урчиб қолди. Кимнинг оғзидан бир гап чиқса, собиқ вазирнинг ҳассасига келиб тақаладиган бўлди. Эр-хотин жиқиллашиб, хотини бозорга бормаёйсиз, рўзғорга қарамайёйсиз десаям, эри бўш келмай, нима, менда вазирнинг ҳассаси бормиди, картишка пишгунча чаккагингни йиғиштириб, тишингни кирини сўриб тур-чи, бораман-да, дейдиган бўлди. Кўчадан ўтсаям, ҳамма собиқ вазирга эмас, унинг ҳассасига қарашар, қанча қарашгани билан тўймай яна тикилишаверарди.

Пичир-пичир, шивир-шивирлар кўршапалаклардай ўзларини дуч келган томонга уришиб, учтишарди:

— Ана-а, шу ҳасса-да.



- Арабнинг пошшоси берган экан.
- Қариганда кунингга яратасан деган экан-а.
- Шундай деган эканми?
- Ҳа-да.
- Арабнинг пошшолари илгаритдан зўр-да.
- Пайғамбаримизнинг авлодлари-да.
- Ҳамма нарса сероб бўлиб ётар экан у ерларда.
- Худонинг назари тушган жойлар-да.
- Аммо-лекин ҳассани ўша пошшо фақат битта ясаттирган эмиш.

— Шундоғ-а!?

Собиқ вазир сезмасди, пайқамасди, унинг ҳассаси ҳаммани ҳайратга соларди.

Унинг обрўси худди вазир бўлиб ишлаб юрган давридагидек бирданига кўтарилиб кетди. Кўчакуйдаям ёш болаларини унга рўпара қилишиб:

— Вазир бова, ҳассангиз билан елкасига битта уринг, зора юқса, — деб, қўл қовуштириб туришарди.

У, ҳамқишлоқларим менинг курсатган хизматларимни билишадди-да, қадримга етишадди-да, деган ўйда кайфи чоғ бўлар, мендаги сифатлар юқсин, деганича уларнинг айтганларини камоли ихлос билан бажо келтирарди.

— Қаттиқроқ уринг, вазир бова, қаттиқроқ уринг, ҳассамдан сечгаям юқсин деб уринг, — дея ялингудай бўлишарди.

У, ҳассаси билан қаттиқроқ ураркан, бўлар шу қадар камтарки, ҳатто ҳассангиздан юққани етади, дейишяпти-я, албатта, шунча ииллар ҳалол ишлаб бировнинг ҳақидан ҳазар қилиб ҳалол яшаганимдан-да, тоза одамга ҳаммаям ҳавас қилади-да, дея ўйлаб, кўзига ёш олгудай бўларди.

- Вазир бова, ҳассангиздан бир ўптиринг!
- Келинг, ҳассангизни ушлаб турай.
- Ҳассага йўл беринглар.

— Ҳассани турга ўтказинглар.

— Ҳассага эҳтиёт бўлинг, ҳассага!

Шунакэ илтифотларнинг чек-чегараси йўқ эли. Бу илтифотларнинг барчаси ҳасса баҳонасида менга кўрсатиляпти, деган ҳаёлда собиқ вазирнинг боши кўкка етарди. Нима бу, бир қулочлик оддий матоҳ, ҳасса-да, деб ўйларди. У гоҳ-гоҳида ҳассасини қўлида айлантириб томошаларкан, ўйлардики, мен туфайли мана шу ҳассаям қадр топди, бошқа бировнинг қўлига тушганида аллақачон бир четга улоқтириб юборармиди? Ҳамма гап одамнинг ўзида экан-да, музейларга даҳоларнинг чакмонлари, шапкалари, идиш-ашёлари қўйилиши бежиз эмас-да! Қанчадан-қанча одамлар пул тўлаб кириб томоша қилишади. Керак бўлса, бу ҳассаям музейга қўйилади-да. Фақат, мен ўлсам. Остига «фалончи буюк султоннинг қимматбаҳо совғаларидан жирканган...» йўқ, ундай бўлмайди, «қимматбаҳо совғаларини олмаган дунё-даги энг ҳалол вазир пилончига (яъни, менга) фалончи буюк султоннинг камтарин совғаси» деб ёзиб қўйилсаям бўлади. Бу ҳасса қироллару шоҳлар-нинг совғалари ичидаги энг арзон совға сифатида тарихга кирсаям арзийди, дея ширин ҳаёллар сурарди собиқ вазир.

Ҳасса ҳақидаги гаплар тоғанинг қулоғига ҳам етди. Бир куни гапдан гап чиқиб, у ўсмоқчилади:

— Жиян, сенга ҳассани араб пошшосининг ўзи берган дейишади. Шу ростми?

— Рост, тоға. Султоннинг ўзи берганди.

— Идораси каттами? — тоға «сарой» сўзининг ўрнига «идора» деб ишлатди.

— Саройи жуда ҳашаматли, — унинг хатосини тўғрилаб кетди собиқ вазир. — Ҳаммасини томоша қиламан деса, одамнинг бир кун вақти кетади. Мен ўз соҳамиз бўйича ҳар икки мамлакатга наф келтирувчи хужжатга қўл қўйгандим, — керилгандай тоғасига қараб қўйди собиқ вазир.

— Катта иш қилган экансан, — тоға булақа ширларга ён бермасди, ҳозир ҳам менсимасди. — Кейин нима бўлди?

— Султоннинг менга ихлоси тушиб қолди. Анча вақт ёнидан қўймай олиб юрди. Яшашимизни сураб-суриштириб, менга қимматбаҳо совғалар тақдим этмоқчи бўлганлигини айтди.

Тоғанинг кўзлари чақнаб кетди.

— Сен нима дединг? — дея беихтиёр суради.

— Керак эмас дедим, — деди собиқ вазир фахрданаётгандай. — Биз қимматбаҳо нарсалардан ҳазар қиламиз, биз меҳнаткашлар вакилимиз, бош унсурларни мамлакатимиздан йўқотганмиз, дедим.

Тоғанинг ҳафсаласи пир бўлди.

— Кейин мана шу ҳассани берди, — собиқ вазир ёнидаги ҳассага қўл теккизиб қўйди. — Қариганингизда бирор кунингизга ярар, мени эслаб юрарсиз, деди қулиб.

— Қулдими?

— Қаттиқ қулмади, жилмайиб қўйди.

— Оқил полишо экан-да.

— Шунга.

— Қариганингизда бирор кунингизга ярар дедими?

— Ҳа.

Тоға ўйланиб қолди.

Кейин қўлини чўзди.

— Бир кўрай-чи?

Жиян ҳассани узатди.

Тоға ҳассанинг у ёқ-бу ёғини айлантириб кўрди: қўли билан сийпалади, қайтиб берди.

Ҳасса ҳақида бошқа гап бўлмади.

Тоға аввалги Пушкин-ҳозирги Облоқулга, тоғангдан ҳамиша кўз-қулоқ бўлиб тур, олдида одам узма, деб янаям қаттиқроқ тайинлади. Аввалги Пушкин-ҳозирги Облоқулнинг исм ва боғ вазҳидан

тоғасидан гиналари кўп эди. Шў боис, ҳалиям араз уриб, собиқ вазирни ҳалиям хушламай юриб эди; менга тирик товон экан-да, деган ҳаёлга борди, ўзини олиб қочиб; шу билан, ана-а боплаяпман, деб ўйлади. Эрга-ю кеч даладан бери келмагани учунми ёки жаҳл кўзини кўр, қулоғини қар қилганмиди, ишқилиб, ҳасса ҳақидаги гаплар унгагина етмагандай эди.

У ўша илк бор келганида Гавҳар шолча ёзиб, жой қилган кекса ёнғоқ остига ўрганиб қолди. Шу ерда ўтирар, ёнбошлаб ётарди. Баъзан ўтирган жойида кўлини узатиб ёнғоқ танасини секин-аста сийпай бошлар, ҳаёлларга бериларди. Иссиқми-совуқми, кечаси, албатта, уйга кириб ухларди.

Гавҳар ора-чора чой дамлаб келиб унинг олдида қўйиб кетарди. У шу тарзи билан собиқ вазирга Ўлмасвойни эслатар, аммо уни эслаши билан Гавҳар кўзига шу қадар ёмон кўриниб кетарди. Қанийди, шу шаллақининг ўрнида Ўлмасвой бўлса-ю, хўжайинин, деганича оҳиста томоқ қириб, оёқ учида юриб келса, ўзини қийнаган саволларига унинг жавобларини эшитса.

Уни эслаб, собиқ вазир ёш боладек ҳаёлга толиб кетарди. Қайтдимикан-қайтмадимикан, қайтса албатта мени сўраб-суриштириб, бу ерларга ҳам келиб қолса ажабмас, мободо шундай қилгудек бўлса, бир ҳафта-ни кўн жавоб бермай меҳмон қиламан, тўй-маъракаларга олиб бораман, оёғи остига қўй сўйдираман. У шундай ширин ҳаёллар оғушида эканлигида, қутилмаганда Гавҳарнинг аввал шанғиллаши эшитилар, кейин қораси кўринарди. Ярамас хотин сал зериксаям югуриб келиб, эшитяптими-эшитмаяптими, иши йўқ, лақиллашни бошларди. Бундай чоғларда собиқ вазирнинг энгаси қотиб, асабийлашаверарди. Бора-бора шу даражага етдики, уни узоқдан кўрди дегунча, миясига

қон тепиб асаби кўзидиган, юраги сиқиладиган бўлиб қолди.

Авваллари, вазир бова, вазир бова, деб фахрланаётгандай бўлиб юрган Гавҳар бора-бора ундан ҳеч қандай вазирлик сифатларини тополмади, шеклли, ўзига тенг билиб, ўзидан-да паст кўра бошлади. Ақл ўргатадиган бўлди. Маслаҳат берадиган бўлди. Шундай пайтларда собиқ вазир бўғилаётгандай томонини бўшатар, оғир-оғир нафас оларди.

Бир кун тушга яқин бовда ҳеч ким йўқ, собиқ вазир тушларнинг чуғур-чуғурига қулоқ солганча ёнбошлаб, мудраб ўтирарди.

Кўлида туника чойнак билан Гавҳар пайдо бўлди.

— Ҳа-а, вазир бова, ухляпсизми? — деди у шангиллаб, атай уйғотмоқчи бўлгандай. Кўлидаги чойнакни «шақ» этказиб шолча устига кўйиб, ўзи ҳам чордона қуриб ўтириб олди, чой қайтара бошлади, чой ичгани атай шу ерга келгандай кўринарди. Икки йил мобайнида «одам исидан айланайин» деб юрсанда, катта бовда бир ўзи яшашга кўникиб қолган, хоҳлаган одамнинг тоқзорига кириб хоҳлаганича узум узиб чиқар, дарахт шоҳларидаги меваларни қоқиб олар — ўзи хон, кўланкаси майдон эди. Собиқ вазир уззукун ёнғоқ остида кўриқчидай бўлиб ўтиргани учун, бу ишларни у эмин-эркин қилолмайдиган бўлди, шу боис, давлатининг бир томони босиб олган салтанат эгасидай ҳар лаҳзада душмандан қасос олишга шайланиб турди.

— Кўзим илинибди, — хўрсинди собиқ вазир.

— Кўз илинади-да, қаригандан кейин шу-да, — Гавҳар аллақерлардан эшитган гапларини тўтиқушдай такрорлай бошлади. — Шунинг учун ёшликда, кўлингизда давлат борлигида қўша-қўша қилиб уй-жойни қуриб ташлаш керак эди. Ўтирмасдингиз ана ундан кейин анави Пушка-Облоқулга сизинди бўлиб

— Кимга сизинди? — унинг ранги оппоқ оқарди, кўз остларидаги хаттачалар багтар осилиб тушди, лаби гезариб, эшитган гапини қайталаб сўради.

— Пушка-Облоқулга-да!

— Нега мен Пушкинга сизинди бўларканман? — ўзи ҳам билмаган ҳолда Гавҳарга тенглашди собиқ вазир. — У ўзимнинг жияним. Томорқа ўзимники, у қараб турган, холос.

— Ана-а, уй солиб қўйибди-ку, сиз уй солибсизми? — Гавҳар, энди нима дейсан, дегандай унга голубона назар ташлади. — Уйни Пушка-Облоқул солибдими, ер ҳам Пушка-Облоқулники-да! Энди, сизни уч-тўрт кунлиги борми-йўқми, шу ерда туриб турсин, деган-да. Куча-қуйда қолиб, эл орасида шарманда бўлмасин, деган-да!

Собиқ вазирнинг туйқусдан юраги санчиб қолди. У кўксини ушлаб.

— Илтимос, кўзимга кўринма, — деди инграётгандай.

Гавҳарнинг бирданига шаллақилиги тутди. Ўзиям, вақти-соати етиб юрувди, шу сабабли эриям, болалариям унинг вазоҳатидан сел келиб, бўрон кўтарилишини пайқашган, ҳар турли баҳоналар билан қишлоққа кетиворишганди. Бу офатларга собиқ вазир тутилиб қолди.

— Э, бор-ей, сани кўзингга ишим нима? — Гавҳар қўлини тўлғай-тўлғай ўрнидан туриб кетди. — Кўзимга кўринма дейди-я? Ўзинг кўзимга кўринма! Бу боққа биринчи ман кўчиб келганман. Ўзим уй-жой қилиб келганман, сизинди бўлиб келмаганман, сан кўзимга кўринма! Ким бўп кетибсан? О-о-о! Вазирчалигингни бориб ўзингни шахрингга қил, манга вазирчалик қилолмайсан, ман ўзимга ўзим вазир, ўзимга ўзим пошшоман!..

Гавҳар ўлиб кетган отаси тенги одамни сенсираб ер билан битта қилаверди.

Собиқ вазирнинг кўзлари бақрайиб қолган, нима бўлаётганини тушунолмаётгандай эди.

Ахийри, чидолмади.

— Йўқо-ол! — деб бақирмоқчи бўлди, бақиролмади, овози хириллаб чиқди.

— Ие, нега ман йўқоларканман?! — Собиқ вазир Гавҳарни қувмаган экан, балки, унинг шаллақилиғи гулхани устига керосин сепган экан. — О-о-о! Мани йўқотаман деганларнинг ўзи йўқолсин! Илоҳ оғзидан чиққани ёқасига ёпишсин!..

У нима қилаётганини билмай гандираклаб ўрнидан турди ва бор кучини йиғиб, ҳассаси билан қулочкашлаб Гавҳарни урмоқчи бўлганди, у гавдасига хос бўлмаган чаққонлик билан «лип» этиб ўзини дарахт панасига олди. Собиқ вазир ўзини ушлаб қололмади, айланиб кетди, ҳасса қарсиллаб кекса ёнғоқ танасига урилди ва қўлидан учиб кетди.

Собиқ вазир юзтубан йиқилди.

Ҳасса дарахтга зарб билан урилганда қоқ иккига бўлиниб кетди ва унинг ичидан нимадир илондек шувиллаб ялтираганча ерга тушди.

— Танга! — қичқирди Гавҳар ўзини йўқотиб қўйиб, у умрида олтинни кўрмаганди.

Собиқ вазир сал-пал ўзига келиб, амаллаб бош кўтарди.

— Қанақа танга? — тили гўлдираб, «хиш-хиш» нафас олганча сўради.

— Мана бунақа танга! — Гавҳар кўзи жайноқланганча бир ҳовуч олтин тангани собиқ вазирнинг кўзини олдига келтириб кўрсатди. — Пулларингизни шунақа қилиб, ҳассангизнинг ичида яшириб юраркансиз-да!

— Қаерга? — У нима бўлганини ажрим қилиб ололмас, тамоман карахтланиб қолганди.

— Билмасликка олишини... — Гавҳар олтин тангалардан кўзини узолмас, сеҳрланиб қолганга ўхшарди. — Бунақа ҳассани ичида яшириб юргандан кўра, уй қуринг эди, одамлардай жой-жалол қилинг эди.

— Ҳассадан чиқдими? — кўрқиб кетгандай сўради собиқ вазир.


— Ҳассадан чиқди, ҳассадан чиқди, — Гавҳар ўзи яшириб, яна билмасликка олишини дегандай, масҳара оҳангида гапириб, тушунтирди. — Ичи бўш экан-а ҳассангизнинг, ичи ғовак экан-а ҳассангизнинг, — Гавҳарнинг ёдига туйқусдан ҳасса тушиб қолиб, югуриб бориб унинг иккала бўлагини кўтариб келди.

Уларни собиқ вазирнинг олдида силкитиб қоққан эди, қолган-қутган тангалар жаранглаб шолча устига тушиб, сочиллиб кетди.

— Бу тилла-ку! — унинг ҳуши бошидан учди ва ийиғида маккорона кулимсираб турган оппоқ соқолди кекса султон беихтиёр кўз ўнгида пайдо бўлиб, чинқириб юборди. — Ў, айёр, ў, маккор; устимдан бошлаб кулган экансан-да! Ў, маккор, одамни шунчалик ҳам масҳара қиладимиз? Аҳмоқман, аҳмоқман! — Собиқ вазир бошига муштлай бошлади. — Олмаслигим керак эди бу жирканч ҳассани. Йигирма йил уйимнинг тўрида сақлаб, кўлимда ҳам кўтариб юрган эканман-а у малъуннинг садақасини. Мен-а?! Нима қилиб қўйган эканман-а?! — У нима қилаётганини билмай, ҳассанинг Гавҳар тутқазган икки бўлагини икки томонга отиб юбориб, Гавҳарга ўшқира кетди. — Тегма, тегма, бу бировнинг тиллалари, тегма, тегма кўрма.

Гавҳар унинг сўзларидан бу тангаларнинг тилла эканлигини билди. Чойнакнинг чойини шоша-пиша тўкиб ташлаб, тангаларни жаранглатиб унга тўкди, қолган-қутганини териб оларкан, нукул:

— Текканим йўк, текканим йўк! — дерди.



— Чойнакни менга бер, — у томонга интилади собиқ вазир.

— Ие, чойнакни нега берарканман? — чимирилди Гавҳар икки бўлак ҳассани у томонга улоқтириб. — Ана-а ҳассангиз, чойнак меники!

Собиқ вазир бор кучини йиғиб, бир интилишда Гавҳарнинг қўлидаги чойнакни ушлаб олди.

Гавҳар ҳам кўйвормади. Жонҳолатдаги кураш бошланди. Униси у томонга, буниси бу томонга тортди. Икковиниям қўллари чойнакка ёпишиб қолгандай эди. Кўйворгиси келмасди иккаласиям.

Гавҳар Гавҳар эди-да! У собиқ вазирнинг устига бостириб бораверди. Собиқ вазир тисариламан деб, қоқиниб кетди, йиқилди. Чойнакдан ҳамон қўл узмаганди. Гавҳар ҳам тоғдай бўлиб унинг устига тушди. Бироздан кейин собиқ вазирнинг қўли бў-шашди. Гавҳар чойнакни кучоқлаганча унинг устидан турди.

Собиқ вазирнинг қўллари икки томонга шалвираб тушди. Унинг жони узилган эди.

Гавҳар нима гап бўлганлигини англамай турди. Кейин ақли етиб шошиб қолди. Чойнакни кўтарганча уйига қараб югурди. Уйга кириб, анча вақт йўқ бўлиб кетди. Юзига совуқ сув уриб, бир парча оқ латта олиб чиқди. Ҳассанинг икки бўлагини бир-бирига ёпиштирган эди, бип-бинойидай аввалги ҳолига келди. Гавҳар ҳайрон бўлганича уни собиқ вазирнинг мурдаси ёнига қўйиб қўйди. Маййитнинг энгагини билганича боғлади. Унинг кўзларини юмиш ҳам кераклигини ўйлаб, очиқ қолган кўзларига қаради-ю, кўрқиб кетиб ўзини орқага ташлади. Марҳумнинг кўзларида таажжуб, афсус, кўрқув... милён тўйгулардан чатишган ифодалар даҳшатли тарзда қотиб қолганди.

Гавҳар калишини қўлга олиб, қишлоқ томон югурди. Нафаси бўғзига тиқилиб, ҳансираб-ҳарсиллаб қолсаям, чопаверди. Ортидан кимдир қувиб келаёт-



гандай эди. Юраги ботир Гавҳар ортга қарашга қўрқиб чопарди. Қишлоқ четига етди-ю, бошқа юришга ҳоли келмай, ўзини гуппа ерга ташлади. Бошини ҳам кўтармай бақираверди:

— Вой-дод, қарайдигани борми-я, ўлиб қолди! Кўмадигани борми-я, ўлиб қолди! Вазир бова ўлиб қолди-я, вазир бова ўлиб қолди! Шундай одам уладими-я....

Гавҳарнинг жонҳолатда бақирришлари бесамар кетмади. Бир зумда қишлоқ аҳли йиғилишди. Ҳамма гап аён бўлди. Тоғага хабар етказишди. Чол аввалги Пушкин-ҳозирги Облоқулни қидириб, уни тополмагач, аччиқ бир гап айтди-да, ўзининг ўғилларидан бирига, ҳассасини ҳеч кимга бермай олиб кел, деб қаттиқ тайинлади.

Маййитни уша эшакаравага солиб келишди. Чолнинг ўғли ҳассаниям келтириб, отасининг қўлига тутқазди. Марҳумни эртага азонлаб, чолнинг уйидан чиқарадиган бўлишди. Собиқ вазирнинг сандиқчасида фахрий ёрлиқлар, ташаккурномалар, орден-медаллар, уларнинг ҳужжатлари, суратлар бор экан. Бироз пул ҳам чиқди. Қўлида аскарлигида таққан «командирский» деб аталадиган соатиям бор эди. Бўлак мулки йўқ эди.

Жиян бўлгани, боғ ҳам унга қолаётгани учун, аввалги Пушкин-ҳозирги Облоқулга битта қўй юкланди. У бунга бажонидил рози бўлди. Қолган сарф-харажатларнинг ҳаммаси тоғанинг зиммасига тушди. Ҳамма ҳовли-жойларни супириш-сидириш билан оворалигида чол уйга кириб, ҳассанинг бус-бутунлигини текширмоқчи бўлгандай, у ёқ-бу ёғини айлантириб томошалади. Синаб кўраётгандай бир учини тиззаси естига қаттиқ босиб, дастасини бор кучи билан юқори кўтарган эди. ҳасса «ширқ» этиб иккига бўлинди. Хаяжонланганидан чол ҳушидан кетиб қолаёзди. Ўзини базўр босиб олиб, ҳассанинг қамишдай ичи

бушлигига ишонч ҳосил қилгач, ҳозирнинг ўзичаёқ катта хазинага эга бўладигандек қўллари қалтираб, иккала бўлагиниям бир-бир қоқиб кўрди. Ҳеч вақо тушмади.

Чол ҳайрон бўлди. Ишонмади, шекилли, қаттиқроқ қоқиб эди, юмалоқланган бир парча қоғоз чиқди. Чол қоғозни ёйиб ҳарчанд тикилса-да, чиройли дастхатда битилган арабча ёзувнинг бирон ҳарфигаям тиши ўтмади. У-ку бесавод бир одам, соқоли киндигига тушиб, бошига ҳайбатлик салла ўрашган не-не муллар ҳам кейинчалик бу хатни ўқиб, маънисини тузук-қуруқ тушинтириб беришолмади. Ахийри, қишлоқдан чиқиб кетиб, тоғнинг тубида боши сирғса оёғи сирғайдиган, оёғи сирғса боши сирғайдиган бир кулбани ўзига маскан тутиб, узлагнишинлик гаштини сураётган дарвиш бу хатни ярим уйку аралаш эснай-эснай ўқиб, шундай таржима қилиб берди: «Сулаймон пайғамбар ҳассасини бир силкитганда, ер юзидаги барча дев-жинлару жониворлар йиғилишиб, лаббайка, дея унинг хизматига камарбаста бўлишарди. У ҳасса фақат Сулаймонники эди, унга эғалик қилиш Сулаймонгагина буюрилган эди». Дарвиш ўқиб бўлиб, шуям гап бўлдими, дегандай хатни бир четга улоқгирган, ҳуда-беҳуда ҳадеб одамларга кўриनावермаслик учун ўзига-ўзи яна бир карра қасам берганича кулбасига кириб кетганди. Кекса шоҳ бу сўзларни ёзганида нималарни назарда тутгани барибир ноаёнлигича қолаверганди.

Ҳозир эса чол тоқисининг ичига хатни қўйиб, бошига кийиб олди-да, яна ҳасса билан машғул бўлди. Ахийри фаҳмладики, бу ҳасса бузиб-тикланадиган болалар ўйинчоғи каби бўлак-бўлаклардан иборат экан. Бироқ бу бўлаклар бир-бирини шундай қаттиқ ушлаб турардики, унинг дарахт шохидан кесиб олинган ёғочдан фарқи йўқ эди. Куч сарф қилмай уларни



жиратиш мушкул эди. Ёғочдан эмас, қандайдир бош-қача нарсадан ишланган эди, чол барибир ақли етмаслигини билиб, бу ҳақда бошқа бош қотириб утирмади. Икки бўлагини бир-бирига жипелаштириб, куч билан сиққан эди, «ширқ» этиб ҳасса яна аввалги ҳолига қайтди.

Чол уйга толди. У ҳассанинг ковагида нимадир бўлагини қанчалик ишонса, жияннинг ўша нарсадан бечабарлигига ҳам шунчалик амин эди. Давлатнинг ўзи бебилски олиб қўйиб, у аҳмоққа ҳассанинг курук узини тутқазиб қўйдимикан, дея ўйларди у, ёки болалари биллиб қолишиб, уни лақиллатишдимикан? Ёки шу ерда қилишдимикан? Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Бонда ёнида ҳамиша одам бор, анави девона хотин Гавҳар бор, ҳеч ким журъат этолмайди, кейин мана шундай синдириб-бутлаш қишлоқ одамларининг ҳаёлигаям келмайди, дарров ўзларини билдириб қўйишади...

Эҳ, аҳмоқ, аҳмоқ!..

Чол қанчалик ўйлаб, мулоҳаза юритмасин, ҳеч қандай натижа чиқаролмади. Гавҳарнинг девона-сифатлиги ундан шубҳаланишга изн бермади.

Чол кул силтади.

Собиқ вазирнинг ҳассасига суяниб чиқиб, эргани маърака ташвишида олиб-югураётганларга фармойишлар бера бошлади, қўшни қишлоқларга хабарчилар жўнатилган-жўнатилмаганини, фарзандларига сим қоқилганми-йўқлигини сўраб-суриштириб, қўнган тинчиди.

Эртаси кун тонг саҳардан йиғи-сиғи бошланди. Қишлоқ аҳлининг ҳаммаси ҳассакаш бўлди. Бошқа қишлоқлардан таъзия билдиргани келаётганларни кўришгани заҳоти овозларига куч бериб «вой бобом», «вой отам», «вой тоғам»лаб дод солишар, қишлоқ четидagi қоратолдан эрта саҳарда кесиб олинган



таёқлар — ҳассаларга суянганча ўзларининг марҳумга яқинликларини билдиришарди. Келганлар фотиҳа ўқиб туриб кетишаётганда шу ҳассакашлар «хуш келибсизлар, хуш келибсизлар» дея жўровозликда уларни кузатиб қолишарди. Жаноза эгаси бўлмиш чол ҳам кўрпача тўшалган харракда марҳумнинг ҳассаси дастасига нягини тираганча хомуш ўтирарди. Ҳассакашлар ҳам, келиб-кетаётганлар ҳам гоҳ кўзлари билан, гоҳ бармоқ учида чол томонга ишора қилишиб, унинг кўлидаги ҳассасини кўрсатишар. «ўша ҳасса, ўша ҳасса» дея бир-бирларига имо-ишоралар қилишарди.

Марҳумни олиб чиқишди. Ўғил-қизи етиб келишолмади.

Қабристон узоқ эмасди. Ҳамма оломон устида лопиллаб бораётган тобутга етиб уни елкага олишга уринарди. Энг орқада марҳумнинг ҳассасига суянганча битта-битта қадам ташлаб унинг тоғаси келар, ҳар-ҳар замонда:

— Аҳмоқ, аҳмоқ! — деб қўярди. Бу ҳақоратни ўзига нисбатан айтармиди, марҳумга нисбатанми — номаълум эди.

Чол қабристонга етганда, аввалги Пушкин-ҳозирги Облоқул марҳумни лаҳадга қўйган, гўрков жанозага келганларнинг дуоси ўқилган тупроқни лаҳад ичига сочиб чиқиб, энди унинг оғзини чим билан маҳкамлаётган эди.

Чол келиб бир четга, қувраган ўтлар устига ўтирди.

Гўрков гўрдан чиқди. Четга ўтиб усти бошидаги тупроқни қоқди. Ишора берди. Кетмону белкураклар ишга тушиб, бир зумда гўрни тўлғазишди. Гўрков, тупроқни у ёқдан тортинглар, мана бу ёққа ташланглар, ҳо-оӣ устига чиқма, нари тур, деб йўл-йўриқ кўрсатиб турди.

Тепача ҳосил бўлди. Қабрга тунроқ тортиб бўлганлар чет-четга чиқиб кетишди.

Гўрков кетмоннинг дастаси билан тепачанинг икки ёнини текислаб чиқди, тепача пирамида шаклини олди. Икки йигит ҳассакашларнинг қўлларидаги ҳассаларни, қоратолдан кесилган таёқларни йиғиб ола бошлади.

Улар чолнинг ёнидан тез ўтиб кетишди.

Бир йигит ҳассаларни тепачанинг бир томонига, иккинчиси иккинчи томонига оҳиста қўйиб қўйишди.

Каллакланган қоратол қишлоқ четида мунғайиб қолди.

Мулла энди қуръон ўқийман деб оғиз жуфтлаётганда, қабр томон бораётган чолга марҳумнинг, тоғасига кўзи тушиб, бироз сукут сақлашни лозим топди. Чол қабр томон борар экан, у нима қиларкин, деган хаёлда ҳамма ҳайрон бўлиб қолишган, бир-бирларига ана шу ҳайронлик аралаш унинг суяниб бораётган ҳассасини кўрсатишарди.

Чол қабрга етди. Нафас ростлади. Сўнг... қўлидаги ҳассани тепачанинг устига қўйди. Пашша учса эшитилгулик сукунат чўкканди.

Чол ҳассасиз довдираб қолди. Икки невараси югуриб боришиб, икки томонидан олишди.

Мулла қуръон ўқишни бошлади.

Икки кундан кейин марҳумнинг ўғил-қизи келди. Уларни кўриб, тоғанинг ҳовлисидагилар яна дод-вой солишди. Қабристонга боришди. Қабр чеккасида мук тушиб ўтиришди. Каллаларида нима хаёл бўлди, нима фикр кечди, ўзлари билди. Қабристонда ўғил-қизни ажаблантирган нарса ўзларига таниш ҳассанинг бўлак-бўлакларга бўлиниб қабр устида сочилиб ётгани бўлди. Айниқса, ўғил фақат ана шу ҳасса бўлакларига тикилиб ўтирди.

Қабристондан чиқишаётганда у синглисига:



— Ёввойи одатлари бор-да, — деди жиркана ётгандек.

Синглиги атрофга аланглаб олди.

— Секинро-оқ...

— Кўрмайсанми ахир, — ўғил овозини пастлатгани билан хуноби ошганлиги билиниб турарди. — Антикварний бир буюмни майда-майда қилишиб, қабрнинг устига сочиб ташлашибди. Ичлари ачимай, болға остига олишганми?

— Бунақа буюмларнинг тўлиб-тошиб ётибди-ку?

— Буям антиквар эди-да.

Ўғил, бу антиқа буюм бўлакларини йиғиб олиб осонгина тикласа бўлиши мумкинлигини хаёлига келтирмади. Аммо гап бунда эмасди. Ўша султоннинг совғаси бўлган олтинлар кейинчалик ўз дўлворлигига яраша умр кечириб юрган Гавҳарнинг ҳаётига оғу солган бўлса, султоннинг совға қилинмай қолган бойликлари унинг авлодлари ўртасида парокандалик кўзгаб юборди. Ўша маҳалларда, собиқ вазир мамлакатига делегация раҳбари бўлиб борган кезларда султоннинг азалий сиймосидан кўнгиллари озган мамлакат ёшлари унинг алмисоқдан қолган бошқарув усулидан нажот йўқлигини фаҳмлаб, четга сур-воришганини, у буни кўриб кўрмасликка олса-да, ичида ҳамиша мустамустаҳкам чегара ортларидан бирон бир хавф туйқусдан бостириб келиб қолиши мумкинлигидан ҳадиксираб яшаганини, шу сабабли, барча хорижий мамлакатларга ўзининг хайрихоҳ-лигини билдириб қўйиш учун чег эллик вакиллардан марҳаматини дариг тутмаганини кўнчилиқ тахмин утасмолларни қалаштириб ташлаганча оғизларидан кўпик сачратиб гапириб юришар эди — оғиздан кўпик сачратишда қандай аломатлар бўлган эканки, вақт ўтиб тахмин утасмолларнинг барчаси амалда ўз исботини топди. Буни ҳатто ақл бовар қилмасди. Баҳор айём-ларининг бирида, ажойибдек

туюлган ранг-баранглик ва кўклик, камалак
 рангларининг остидаги пўпанақлар қалқиб чиқиб
 барча ёкни босиб кетди — энди жун-бушга келган
 оломонни султоннинг на дўсти со-диқлари-ю на
 қаттол ғанимлари тўхтага олар эди. Энди бундан бу
 ёғи нима бўлиши мумкинлигини фақат узлатнишин-
 ликни ихтиёр этган дарвишгина тасаввур этиб фол
 оча олиши мумкинлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.
 Ёоёқиш султон шундай бўли-шини, бир умр йикқан-
 лерганлари қандайдир ғайридин авбошлар қўлига ўтиб
 кетишини, метин каби иродаси мумдай эриб ҳушини
 йўқотганча гурсиллаб қулаб тушишини, шундаям
 ўлмай қолгани учун ҳукмга мустаҳиқ этилганини,
 ғачир-ғучир шалоғи чиққан тиббиёт аравачасига
 ортилган бир қоп лой каби кимларнингдир
 чоғорасига ўйнаб ўтирган чаласавод қозилар ҳузурига
 келтирилишини, устига устак ўзи каби фиравн-
 монандларга ибрат бўлсин дебми шу ҳол-аҳволи
 ойнаи жаҳон орқали бутун дунёга кўрсатилишини
 билганида тахт-пахтидан воз кечиб бир маҳаллар
 шундай-шундай ҳолисалар бўлишини фол кўришгани
 учун ўзи биттаям қолдирмай қириб юборган овлоқ-
 даги қавмга юкиниб бориб, улар орасида қолиб кетган
 бўлармиди. Султоннинг жони жаҳон аҳлининг кўз
 ўнгиди чиқиб-чиқмай аросатда бўлиб турган кезларда
 қишлоққа Ўлмасвой кириб келди. У ўзини тутолмай,
 собиқ вазирдай отани, ғамхўру меҳрибонни топа
 олмас-лигини йиғлай-йиғлай айтиб-саннаганича
 унинг эски ошнасини қидириб топганини, эски ош-
 наси жуда мутаассир бўлганини, уни эслаганини,
 уни соғинганини, уни кўрмоқчи бўлганини, қўлидан
 келган ёрдамни ундан аямаслигини айтганини, бун-
 дай қила олишга қурбн етишини, гапи ҳам ўтишини
 изҳор эгарди. У қабр ёнида чўк тушганча айтасётган
 сўзлари тунроқ остида ётган собиқ ҳужайинига етиб



боришига астойдил ишонармиди ёинки ўз кўнглини бўшатиш учунгина овоз чиқариб ҳасрат ўтида қоврилармиди — бу ёғи номаълум. Нимаики бўлмасин, у собиқ вазирдан қанчалик миннатдор бўлса арзирди. Ўзи айтиб-саннаб турганидек, иш қидириб борган жойида бир энлик хат туфайли хўжайинининг эски ошнаси марҳаматини аямай, катта ёрдам кўрсатган. унинг ҳаётини изга солиб юборган эди.

1999 йил.

САС

Ен дафтардан. 1984 — 1989.

1. “Мендан қолса”. Мендан қолса — кўксимдаги парохтнинг хати ёзилмаган япроғидан бир шивир қолар. Шивир — гул атрида ювилган сөз. Агар қолса — гўдагим табассумининг қатига инган чароғон оламнинг бир тимсоли қолар. Тимсол — барча ўткинчи дунёлар ва тушларнинг абадий ҳақиқати. Мендан қолса — қолмаган нарсаларнинг умиди-ю кўзлари йўл тутган онамнинг асрагувчи дуوسي қолар. Дуо — говондан тупроққа чуқур қадалган бир илдиз. Мендан қолса — кўзингдан сачраган дурларда мужассамлашган бир дунё қолар. Дунё — кўксимга ногоҳон томилган би-ир томчи-и, томчи.

2. Ҳақиқат, ваган, муҳаббат... кўнгилдаги муқаддас туйғулар.

Муқаддас нарсалар ҳақида оғиз кўпиртириб, лоф-қоф уриб гапириб бўлармикан? Шунга ишонса бўладими?!

3. Ижод тамасиз муҳаббатнинг маҳсули. Ишқ.

4. Беҳад равон ва чиройли сўзлаш. Фикр. Қанчалик алоқаси бор?

5. Ўз китобларидан, ақидаларидан аввал “Бўл!” буйруғи билан Ҳаётни яратди. Монастирдан қочган ақидапараст яна Унинг ўзига — Ҳаётга қочадими? Ҳаётнинг завқи шавқи, тўфони, изтироблари-ю аламлари, шодликлари... кейинчалик пайдо бўлган барча нарсалардан кучлироқ ва гўзалроқ эмасми? Юрагида инсоний муҳаббати бўлмаган ибодатчининг ишқи сохта эмасми? Ёлгон эмасми? Ибодати худбиндлик эмасми? “Жаннатга тушаман”, деган тамаъ эмасми?”



6. Инсон қалбида шундай кенгликлар мавжудки, фақат муҳаббатгина бу кенгликларга йўл оча олади.

7. Узлат одамлардан панага беркиниш эмас, ўз қалбига чекинишдир. Хонанишинликнинг ўзигина асло узлат эмас.

8. Хуннлар, искифлар, олонлар... қадим туркий уруелар — аҳо ананжад.

“Искифлар бинолар ва саройларни ўзларига ҳисб-хона ҳисоб этиб, фақат майитларгагина лойик ҳураб эдилар”.

“Хуннлар уйларни кўргилари ҳам келмай, қабрга ҳисоб этардилар”.

Ўтмиш билан фахрланмоқ абсурдлиги. Уларнинг қайси ҳислатлари қолди экан?

9. Болалик. Қишлоқ четидаги ажриқзор тепалик. Ҳар хил ўйинлар ўйналадиган майдон. Ер қулган, кўк унган. Қунботар. Қора чопонли киши. Авваллари айтилавериб хурофотга сингишиб кетган куфрона хурофот сўзлар асрларни қаритиб унинг тилига ин қурган. “Онасини фалон қилай, дейди у намоёнш-корона, шунча туққанининг бари қанжиқ экан. Битта эркаги бор экан, ўшани олиб қолдим”.

У қўлтигига қистириб олиб келган белни ишга солиб, тепалик ёнбағридан чуқур қазий бошлайди. “Шу ерга кўмиб ташлайман”. У тоғорани ағдарди ва устидан тулроқ тортиди. Бир-икки тепиб ҳам қўйди устидан. Тулроқ остидан чийиллаган овозлар аниқ вақтгача эшитилиб турди.

Тамом.

Ўша тун бир ит тонггача улиб чиқдимми?

Бу ажриқзор тепаликда эдимми? Ёки араб саҳ-рәсининг барханлари остида?

10. Шўро. Халққа ҳамиша тинимсиз меҳнат қилишни тарғиб этади. “Меҳнат саодатининг калити”. “Меҳнат бахт келтиради”. Тулроққа қоришган саодат. Кўз очолмаётган бахт.



Бир бурда нон учун эртаю кеч боши қора меҳнатдан чиқмайдиган индивиднинг калласида бир бурда нондан бўлак ҳаёл бўла оладими?

Куллар.

11. Замоннинг эгаси ўткинчи бир қавм эканлигига Хайёмни ўқиган бўлса-да, шубҳа билан қарайди. У яшашга шу қадар иштиёқманд (ҳирсманд!)ки, гуллар юрагининг қонини ҳовучига йиғиб ичишдан ва тоза шафақни ўз томиридаги зардобга дўндиришдан-да тоймайди. У булбул тилини қовуриб еб пуштини мустаҳкамлайди — бу пуштдан тўралганлар булбулнинг куйламаган тилини-да қовуриб... эртанги замоннинг эгаси бўлади. У ўткинчи қавм эканлигига асло ишонмайди.

12. Ўз асарларини бир даста гул каби халойиқ устига сочиб юбора олган ижодкор бахтиёрдир... Бу гуллар, барибир оёқлар остида топталиши турган гап, халойиқ уларни балчиққа қориштиради. Шундайм, уларнинг устидан даста-даста гуллар сочиб юборавериш керак.

13. Дуч келмиш барча тўсиқлардан эсон-омон ўтиб, барча жанглардан музаффар қайтган Синдбод ўзи билан ўзи курашишга, ўз демони устидан ғалаба қозонишга тўғри келди. Бу Синдбоднинг ҳаётидаги энг оғир, ҳал қилиб бўлмас кураш эди. Муҳораба. Муҳораба. Муҳораба. Кибр бош эгурми? Нафс-чи? Ва яна бошқалари (биласиз ва ҳис эласиз!). Абадият.

14. Топганини фақат ўзи еб, бировга едирмайдиганни бахил деб аташади. Сахий топганини ўзи ҳам эйди, бировга ҳам беради. Топганини фақат бировга едирмайдиганни ахий деб аташган. Ҳотами Тай. Арабларнинг Тай қабиласидан. Қадимий Хуросон ва Моверуннаҳрда ўнинчи асрдан эътиборан ахийлик ҳаракати кенг ривожланган. Уларни жавонмардлар, фатҳилар деб ҳам аташган.



Халқимиздаги қўли очиқлик, одамохунлик, ўзгаларнинг ҳурмат-иззатини жойига қўйиш каби фазилатлар ўшаг дан қолган бўлса, ажабмас. Қалай, сизга жуда ортиқча нарса бўлиб туюлмаётими?

15. Дўст ким?

Дўст бу менинг ичимда.

Дуст бу менинг ўзимда.

Дўстнинг садоқатсизлигидан, дўстнинг оқибатсизлигидан мен ҳеч қачон нолимайман. Балки, дўст мендан нолиса арзир? Мен дўстнинг дийдорига муштоқ яшайман, унга интиқиб, энтиқиб яшайман...

Биз фақат танҳоликдагина дийдорлашамиз.

16. Сен бировни яхши кўрсанг яхши кўришингни, сен бировга ишонсанг ишончингни, яхшилик қилмоқчи бўлсанг яхшилигингни, хулласки, ҳамма-ҳаммасини суистеъмол қилишлари мумкин. Ҳаётга осмондан туриб қарамаслик керак. Унга тупроққа қоришиб ҳам боқмаслик лозим. Кўнгилни тозалаб, кўнгил кўзгуси орқали ҳаётни идрок этиш ҳақиқийдир.

17. “Бировларнинг дарду ғамлари мени изтиробга солади”, дея оладиган ижодкор қанчалик ҳақгўй экан? Дарду ғам, шодлигу қувонч фақат унинг ўзига, ўзигагина тегишли эмасмикан? Ўз қалбидан кечирмас экан, ўз бошидан ўтказмас экан ҳар қандай ҳамдардлик сохта бўлиб қолавермайдими?

18. У ҳамма нарсани инкор этишни касб-корга айлантириб олганга ўхшайди.

19. “Бобурнома” насрдаги тенгсиз асар. Бошқа тенгсиз асарлар каби уни ўқитиш ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Фахрланиш бошқа, амалга ошириш бошқа. Бу асарнинг энг аввало болаларга мўлжалланган вариантини ишлаб чиқиш керак. Этикетлар ҳақида алоҳида рисола бор унинг ичида. Жуғрофия, ривоятлар, шеърлар... афсуски, бегона бўлиб қолаверди.

20. Халқнинг қарғиши ҳам комил кишини ташвишлантирмайдими?

21. Ҳаёт — кўнгил. Кўнгилга гоҳ қил сизмай хираланиб қолиши, гоҳ равшанлашиб кетиши ҳаётдир. Кўнгил ишқ маскани эмас, ишқнинг ўзидир. Ишқ олий нуқтада висолга восил: вужудни тарк этади. Ҳаёт — Кўнгил — Ишқ. Шу боис, ҳаёт абадий.

22. Ғаладонда ҳар ким ўзига керакли нарсаларни сақлайди. Кераксизларини чиқазиб ташлайди. Бир синфдошимиз мактабга беришда сумкасининг довог солинадиган жойига нон солиб борарди. У нонвой бўлиб кетди. Китоб жавонига гушт қўйилмайди, китобни музхонага тиқиб қўйсаям тўғри келмайди. Инсон вужуди ҳам вақтинчалик нарсалардан бора-бора фориғлана боради. Кўз хиралашади, қулоқ эшитмайди, қўл-оёқ ҳолдан тояди. Кўнгилгина ўз жойида, ўз ҳолида муқим қолади.

23. “Иддао”. Ўзинигина... ёлғиз ўзинигина жаннатга тушишини ҳаёл қилиб ибодат қилаётган ким?!

24. “Соз”. Соз ҳамиша Устасининг қўлида бўлмоғи лозим. Акс ҳолда бир чеккада чанг босиб ётади ёки синиб йўқолади. Ижодкор — соз. Уни бутун борлиқ ва ярагганнинг ўзигина чала олади.

25. Адабиётнинг қуроли сўз бўлса-да, ҳақиқий асарда у билинмайди. У — восита. Мақсад бошқа бўлгани учун, битта ортиқча сўзга қоқиниш ҳам ўртадаги алоқани узиб қўйиш мумкин.

26. “Андерсен”. Унинг эртаклари болалар ва қарияларга мўлжаллангандек. Ўртадагилар эртакка ишонмайдилар. Вақтинчалик қаҳрамон ролини ижро этиб туришади.

27. “Инсон”. Инсон ҳаётини сиёсатга боғлаб баҳо бериш уни абгор қилишдир. Осмон, қуёш, юлдуз, ой, замин... буларнинг сиёсатга ҳеч қандай боғлиқлиги бўлмагандай, инсон ўзини ана шу туркумнинг энг юқори бўғинида ҳисобласа, чинакам озод яшайди.

28. Яна инсон. Ҳеч бир давлат, ҳеч бир сиёсат инсонни ярагмаган. У қонинг томонидан минглаб,

милёнлаб организмлар орасидан танлаб олинган. Узи ҳам коинот қадар тенгсиз тенгсизликдир. Шу сабабли давлатнинг ва сиёсатнинг Инсон устидан юритган ҳукмпармолиги ўткинчи бўлиб қолаверади. Инсоният пайдо бўлганидан буён не-не ҳукмпармоликлар изсиз йўқолиб кетди, Инсон эса чексиз бардавомликда. Фақат мустабидлар даврида бу бардавомликнинг айрим бўғинлари қаттиқ азоб чекадилар ва табиий равишда ўтмишу келажак билан янада мустаҳкамроқ боғланишга интиладилар.

29. Байрамлар -- тўкилган қонлар устидан гулдас-талар сочишдир. Оломон гулдас-таларни кўради-ю, қоннинг тусиниям кўрмайди, оқишнинг эшитмайди, ҳидиниям илғамайди. Бундай чоқда унинг кўзи кўр, қулоғи қар, ҳид билиш қобилияти йўқотилган: бўғзигина шайланган ҳолда бўлади. Нега оломон қийқириқлари Сизни ҳам жунбушга келтирмоқда?

30. “Замин ва кўк”. Нигоҳи заминда бўлган одамнинг кўнгли кўкда бўлади.

31. Ҳар қандай даврага сингишиб кетаверадиган одамни понага ўхшатса бўлади. Ўтин ёрилаётганда пона болга билан бот-бот уриб турилгани сингари бундай одамларга ҳам атрофдагилар ҳайбаракалчалик қилиб туришади. Пона нима сабабдан калтак еяётганини, бу одам нега олқишланаётганини билмайди.

32. “Сўз”. Тунда туғилган сўзларга ихлос қўйманг. Тунда ҳаёлий бир тарзда туғилади Сўз. Тунда Сўз ҳукмрон. Кундуз кунни ҳеч қасрга сизмайди бу Сўз. Бўм-бўш кетаётган трамвай ҳам олмайди уни. Лоҳасланиб ариққа йиқилса, биров қўл чўзмайди бу Сўзга. Кундуз кунни баъзан эгасиям бегонасидан қарайди бу Сўзга. Тунда туғилган Сўзга ихлос қўйманг.

33. “Саййида”. Саййида — илоҳий ҳилқат. Ун туртаср чекилган бир оҳ, шунча вақтлик олис ҳўсиниқ.

Самум шамоллари — кўзлар тубидаги олис айрилиқ. Ўркачлар устига жойланган дунё, барханлар бўғзига тиқилган армон — хотира. Манглайида ялтираган сатрларда келтирмиш олис-олис саҳроларнинг осмониди чарақлаган юлдузларни. Канорасиз осмонларни келтирмиш — зангори ваҳий. Тасбеҳ доналаридай сочилган қум — Саҳрон Кабир, битта-битта саналади шўриш-ғовғали тақдиримнинг йўллари-сўқмоқларида. Қафасимнинг қоронғи пучмоқларига узанган нур — буюк аجدод каторидан таралган Ёғду. Саййида — илоҳий ҳилқат.

34. “Менга аталгани”. Қани, у — менга аталгани? Қўшиқ қани менга аталган, май қани у менга аталган? Ҳаракат — мангу қўшиқдир, дунё — май тўла жом. Қидирмоқда бўлганим — Сўз қани у менга аталган, аёл қани менга аталган? Қопқаларда сирли сукунат, юлдузларнинг шивири тинмас...

35. Ҳақиқат ҳақида умумнинг фикрини қўллаб-қувватлаб гапириш осон. Умуман ҳақиқатчи бўлиш ҳали ҳеч нарса эмас — бу умуман ватанпарвар бўлишга, умуман халқпарвар бўлишга ўхшайди. Ҳар қандай умумий фикр индивидуаллашсагина асл қиёфасини кўрсатади. Умумийлик ҳозирги маънавиятнинг юзига тортилган парда — парда остида нималар борлигини кўриш учун у қадар чуқур мушоҳада татаб этилмайди.

36. “Оломон”. Ҳамма қатори художўй ҳам Кўнглига яқинлашдимикан?!

37. Яна шу ҳақда. Ҳамма қатори художўй ўзининг оммабонлиги билан баъзан шу қадар жоҳиллашиб бетадики, унга Худо ёлғиз эканлигини яна бир бор эслатнинг келади.

40. Яна шу ҳақда. Кўпдан қолма, деган художўйнинг қўлида Машрабга отилган тош ҳамон турибди, Насимийнинг терисини шилган тигни у қайрамоқда.



41. “Дехқон”. Шукр, егани ноним бор. Бонимда ерим бор — омон тиши ўтмаган дала. Суякларим қора ердан бўртган паллада миямда ўсган бошоқни отининг туёғида эзиб айтганман кўшиқ: “хўп ҳаёда-ё, хўп ҳайда; темир туёғим ҳайда”. Елкамдаги тошим ҳам тегирмон тошим — оғирлиги биланмас сира. Шукр, егани ноним бор.

42. Тарихий ҳодисаларни жонлантириб, уларни бадиий асар сифатида тақдим этаётган ёзувчида қатъий шижоат бўлиши лозим. Бўлғуси воқеаларни тасаввур этганча асар битиш эса ҳаёл оламига истаганча эриб беришга имкон туғдиради. Бироқ, бу жараёнларни тасвирлаётган ёзувчи айтиш пайтда бугунги кунимизнинг фарзандидир. Шу маънода, айтиш мумкинки, мана шу ҳаётнинг ўзини, ҳаракатдаги одамларни тасвирлаш ҳаёл олаmidан ташқари жасоратни ҳам талаб қилади. Тарих саҳифаларига кўпдан-кўп ёлғон фактлар эмас, ҳақиқат, башарият ва келгуси авлодлар истаган асл ҳақиқат шу жасорат туфайли муҳрланади.

43. “Лаҳза”. Бу лаҳзанинг йўқолишида иккита йўқотиш бор: шу лаҳзанинг ўзини ўлими ва милён йилларнинг сўнгги нафаси.

44. “Ҳасса”. Бир чол ҳассага таяниб, болалар ўйнашаётган майдончага яқинлашди. Ўтиришга жой излади. Жой топгач, ўтирди, ҳассасини оҳиста ёнига қўйди. Шу маҳал беш-олти ёшлардаги бир болакай югуриб унинг олдига келди ва ялинчоқ товушда, ҳассангизни озгина минай, деди. Чол ҳайрон бўлганича, нима дединг болам, деб сўради. Ҳассангизни бир минай, деб такрорлади бола. Ҳассани қандай минасан, кифт қисди чол. Хў-ўв анавинақа, деганича болакай қўлчалари билан нарироқда тол хивични от қилиб миниб юришган болаларни кўрсатди. Чол болакайнинг нима демоқчи бўлганини англади. Ўйланиб

турди-турди-да, ниҳоят, бу сенга жуда баландлик қилади — минолмайсан, минсанг тушолмай юрасан, шундай дея чол боланинг елкасига қўлини қўйди, англадингми чирогим?

Бола бош иргаб нари кетди.

“Наҳотки, тушолмай қоласан деганим уни чўчитган бўлса, ўйлади чол ғамга ботиб, кейин овоз чиқарганча қўшиб қўйди, агар туша олганимда мен ҳам жон-жон деб тол хивични от қилиб минган бўлардим”.

45. “Қадимий қўшиқ”. Қадимий ўчоқ. Қадимий қумғонда қадимий сув қайнай-қайнай деб, ҳамон қайнолмай турибди. Қадимий чўғни қадимий косовла қадимий қўллар титкилайди, тузукроқ чўғ тополмай жиғибийрон бўлади қадимий кўнгил; қадимий кўзлардан қадимий ёшлар оқа бошлайди. Аммо шунда таскинга етиб келади келажак; қадимий келажак. Қуйланади қадимий қўшиқ.

46. “Қария”. Қалб бўл, қувончларга тўлдириб, осмонларга учуриб юбор. Қўл бўл, етиб борсин юлдузларгача, ойни олиб қўйнига солсин. Кўзининг ғавҳари бўл, бутунича кўрсин оламини. Қолган-қутган кўримни ҳам сенга бераман. Фақат... Йиғилишиб менга оёқ бўлинглар. Манзилимга етиб олай. Тиззалардан мадор қочиб борадир, қароғларим менга оёқ бўлинглар.

47. “Тинч уйқу”. Кечанинг тирикчилиги — уйқу, кундузнинг хаёли уйқумни бузади. Кунларни, ойларни ҳижжалаб санайман, йилларнинг устига юклагим келади уйқуни. Ҳаётни баҳайбат уйқунинг рамзи деб қарайман, унда изғиб юрар тушларнинг сояси. Уйқудан камалак рангида суратлар чизилар — уйғонмай ётавер, тинч уйқу, кундузнинг хаёли келмасдан.

48. “Қўрқув”. Мияга қон келиши одатий ҳодиса. Қўрққонда фавқулодда ҳодисалар кўпаяр; инчунин

қоннинг ўрнига мияга жон чиқиб кетар. Товонга жоннинг ўрнига қон тушиб кетади. қаламлар каттариб кетади. қоннинг ҳаракатидан. Қонли излар бошга чиқиб кетган жоннинг омонлигига қилинган қурбонлик. Қурбонлик ҳам фақат ҳудодларга қилинмас.

49. “Шувоқ шохилаги ҳаво”. Уюлган тупроқ такбир айтар эди. Қизиган осмон такбир айтар эди. Атрич сочар эди бултурги шувоқ — кечанинг атри эди, ширин таъми эди кечанинг. Эси оғиб кезган даллигулли шабаданинг бўйи қолган эди шувоқ атрида. Тупроқ донасининг; ҳаво тозалигининг; қуёш бо-тишининг; қалб сокинлигининг — бўйи қолган эди шувоқ атрида. Шифтдаги қуш инидан тушган ҳасда — полапон қанотининг ҳиди, қалдирғоч фарёдининг оҳи-зори. Инини бутлаётган қалдирғоч, гувала деворларда — ҳаёт сабоғини ўрнатар эди. Қалдирғоч келиши билан — ҳаёт уйғонар эди, янгиланар эди бизнинг ҳаёт. Қалдирғочнинг тепамизда туриши — уртамиздаги сирли боғланиш. Полапон тумшунин четидан, оламнинг сирли дарчасини чертар эди. Энтикиб ютинар эди — ютган озгина ҳавосидан миннатдор қушча. Ўзига маскан ахтарар эди — қушча бўғзида адашган ҳаво чуғур-чуғур овозга айланар эди; чулдур-чулдур овозга айланар эди; нағмали куйга айланар эди — яна неларгадир қодир адашган ҳаво. Ҳавонинг шукронасига — қора оғоч яшил; митти майса чақмоқ яшил оламлардан бир тимсол эди. Қиёқ тилли қилдеккина ҳис — тошюракни ёриб чиқа олур эди. Шу қилдеккина ҳис ибтидонинг тимсоли эди. Муҳаббат учун шу ҳис — менга тимсол кифоя эди. Муҳаббат учун тозалик керак — Кўнгил, нигоҳ, қўл тозалиги ва яна .. ювининг. ювининг. ювининг — майса ва ҳис мойбуёғи билан юрак ёғларини қатронлаб ташламоқ зарур муҳаббат учун. Ўзингизни қурбон қилманг — ўзингизга ишонинг ва ҳар инсонни севинг. Ва яна — бир майсани қадрламаганнынг олам яшил-



лигини қадрламоғига ишонманг; кичик ҳисни пайқамаганнинг катта туйғуларга ошно бўлмоғига ишонманг; бир инсон учун қайғурмаганнинг миллат қайғусида эканлигига ишонманг — асло ишонманг: қатра қон тўқа олганнинг дарё-дарё қон тўкмаслигига ишонманг: Кўнгилнинг якка фарёди Арши аълони титратмаслигига ишонманг — асло ишонманг. Шу ишончсизлик сизда ишонч уйғотсин — инсонга муҳаббат ишончини уйғотсин, етти фалак инсон қалбида эврилмоғига ва унинг тубида хазина-ю дафиналар сизни кутаётганига ишонинг; у ерда улкан гавҳар борлигига ва уни сўқир илон қўриқлаб ётганига ишонинг; уммон борлигига ва бу уммонни жаҳолат пардаси ёпиб турганига ишонинг; гўзал Ватан борлигига ва унга иккиюзламачилик, хоинлик ҳужум қилиб турганига ишонинг. Ўзингизни асранг — ичингиздаги турфа ёғийларнинг басма-бас ҳужумидан асрай олинг ўзингизни; арзон ва пуч нарсаларнинг васвасасига бериб қўйманг ўзингизни. Ахир, ўша нарсаларнинг барча-барчаси сўқир илоннинг кўзини бир очиб қўйишига ва аждаҳонинг нафси қониб тин олганига арзимас. Арзон ва пуч нарсаларнинг васвасасига учиб ўзингизни совуриб юборманг. Вақт шамолининг слаётган томонига кетманг; ўзингизни анланг, чуқурроқ анланг, йўқса, соврулиб кетасиз. Бугдойдек сочилиб кетасиз — ахир, сиз бугдой донасидан тикланган вужуд. Инсонда қисм бўлмайди, жувв бўлмайди унда — инсонни бутунича севмоқ керак, бутунича қадрламоқ керак, инсонга ситам — Худога исёндир. Ватан сўзи инсон сўзидан бошлангани каби миллат сўзи ҳам инсон сўзидан бошланар, осмон эса инсонга қофиядошдир. Усиз — жаннат мукаррам эмас; осмон қуп-қуруқ бўшлиқ; қуёш қуйган тараши; ой муаллақ ҳасрат — усиз унинг ўзи ҳам ҳечдир. Келажакнинг чорлаши қонилмаган майлардандир. Олға босмоқ учун ортга чекинмоқ

зарур — тарих дарахтининг ҳар новдасида ва кесилиб кетган шохларида етги ўлчаб бир кесмоқнинг сири яширин; бу дарахт бўйлаган ҳавода буюк инсонларнинг овози ва ҳаракатларининг шарпалари абадийлик созини олган. Олға босмоқ учун ортга чекинмоқ зарур — ичингдаги нафс чорраҳаларидан ўтиб, ҳирсу ҳавас сўқмоқларидан ўтиб, ўзликка ҳижрат этмоқ олға кетмоқдир. Ҳаёт Саҳнаси — тасодифий Ибтидо ва муқаррар Интиҳонинг ҳарир қаноти ва пўлат найзаси; кўпирган сути ва қатрон қони мувозанатининг тифида елаётган оқ ва қора самовий тулпорларнинг ингичка ёлидан ясалган тузоқ ёнида тикланган чодирхаёлдир. Қазилажак қабрларни эмас, ортда қолган қабрларни қадрламоқ керак — зеро, ҳаёт саҳнасига йўл заминнинг шувоқ шоҳида асраган бир ҳовуч ҳавоси-ю бир кучоқ атридан шу қабрлар аро утажак.

50. “Кулай фуқаро”. Новча фуқарога эҳтиёж тобора камайиб бормоқда, нега деганда, осмон пасаймоқда кундан-кун, новча фуқаронинг боши юлдузларга тегиб ўт чиқариб юбориши ҳам мумкин. Пакана фуқаронинг аҳволи ҳам дурустмас, нега деганда, ер қаттиқлашиб бормоқда кундан-кун, ризқини ердан теролмай қолмоқда. Учбурчак фуқаро — кулай фуқаро ҳисобланади. Икки бурчаги қуриб, нажот тополмай қолганда, учинчи бурчакдан озиқланаверади. Тўртбурчак фуқаро янаям қулай, озиқланидиган бурчагининг сони яна биттага кўпайган. Ҳаммадан ҳам бешбурчак фуқаро қулай фуқаро. Айлана фуқаро бундан-да қулай. Юмалаб-юмалаб озиқланиб кетаверар юмалоқ фуқаро.

51. “Данак”. Ҳаёт — кутиш. Данак ўз қобилини ёриб кўкарди. Уннинг улкан дарахт бўлиб етишишини ўн йиллаб кутиш лозим бўлади. Данак ичидаги дарахтни тасаввур этинг. Дарахт шохларини силкитаётган шамолу довуллар ана шу дарахт ичида шовқин



солиб туришади. Буни эшитмоқ учун данакни қулоққа тутиб туришнинг узигина кифоя қилмайди.

52. Шу қадар ожизманки, ҳатто, ожизлигимни изҳор этишга-да ийманиб тисланаман. Кучлилар сўзлайди — осмон камалак рангларга тўлади, осмоннинг ҳавосин суриб ҳайдайди бу ранглар. Кучлилар сўзлайди — ой юлдузлар чарақлаб чиқар, нафассиз ёнали барча ёритқич. Шунда секингина шивирлаб қўяман ожизлигимни, рангланган осмонни тўлдириб юборар товушим. Ранглари ушалиб тушади осмоннинг, ой-юлдузлар ҳам тўкилиб кетар. Ҳайрон қоламан, ҳайронлар қоламан: йўқолган осмоннинг ортидан яна осмон кўринар — шивиримга интиққан осмон; ой-юлдузлар ҳам чарақлайверар — ожизлигим таққан сирғалар. Товушим зарбидан кўксимга пичоқдек санчилар пичоқ, бошимни тегирмон тоши ҳам эзади товушим зарбидан. Ортимдан гурсиллаб қувади товушим зарблари, олдимни тўсади товушим зарблари, вужудим тупроқдай тўкилар.

53. Ҳар қандай ҳукмдор, нари борса, оломон даражасида фикрлашга маҳкумдир.

54. “Қўрик”. Онг-шууримиз, қалбимиз ҳайдалмаган қўрикқа ўхшайди. Қанчалик заҳмат билан ишлов берилса, шунчалик мўл-кўл ҳосилга замин яратилишини шубҳасиздир. Онг-шууримиз, қалбимиз талай сандиқлар сақланаётган қадимий ертўлага ўхшайди. Кўпчиликка ҳатто ана шу ертўлага тушиб, сандиқларга нигоҳ ташлаш ҳам насиб этмайди. Бироқ ертўлага тушиб сандиқларга нигоҳ ташлашнинг ўзи ҳали ҳеч нарсани англатмайди. Юзлаб бу сандиқлар орасидан ўзимизга аталган ҳазина қайси бирида яширинганлигини ажратиб олиш ҳам жуда муҳимдир. Акс ҳолда бошқа бир сандиққа қўл теккизиб қўйсан-гиз, милён йиллик душманингиз аждаҳодай сизни ютиб юборишини мумкин. Ўз хазинангиз қайси сандиқда яширинганлигини билиш муҳимлигини айтдик.

Бироқ бу ҳали хазинани қўлга киритдингиз дегани эмас. Сандиққа катта қулф осилган. Очқич калитни буюк боболар паришонхотирлик билан қаршингиздаги минглаб-милёнлаб китоблар, қўлёзмаларнинг қайсинисинингдир орасига қўйиб кетиш-ган. Эҳтимол бу очқич калит бировининг чўнтагидан биронта тошёзув остига тушиб қолгандир. Сиз бу очқич калитни бир умр қидириб тополмаслигингиз мумкин. Эҳтимол етти пуштингиз ҳам қидириб тополмас. Сиз авлодларингизга қийин бўлмаслиги учун ўзингиз қидирган жойларга белги қўйиб кетинг, токи уларга асқотсин. Эҳтимол сандиқ ичида яна бир сандиқ бордир. Бу аждодларнинг ўзига қанчалик пухта бўлганлигига боғлиқ. Сизнинг қидириб изланмаслигингиз сандиқ устида яна бир зирх қопланишига имкон туғдиради. Шу сабабли фақат ўзинигина ўйламаган одамнинг қидирмаганидан қидиргани маъқул. Эҳтимол сандиқни очиб хазинага эга чиқса. Эҳтимол сандиқда ҳеч вақо йўқдир. Ва ёки яна эҳтимолдан холи эмаски аждодларингиз минг йил аввал бу сандиққа сизнинг суратингизни ташлаб қўйишгандир. Эҳтимол...

55. Ўзини англаган одам энг саркаш, енгилишни нстамаган, енгилмас — шундай бўлишига қарамай, дор остига бораётган кўзғолончидир.

56. Ижтимоий тузумлар одамларнинг яшаш усулидир. Аёнки, ҳар қандай жонзод ҳам ўзига қулай яшаш усулини ахтаради. Бироқ бу қулайлик бошқаларга ноқулайлик туғдиради. Шу сабабли, барча тузумларда бемалол яшаб келаётган одамни энг катта хавф — кейинги тузумга ўзимни қандай мосласам экан деган ташвишгина безовта қилиб туради.

57. Қадимийликдаги доно ҳикматга илашган иллат нимада? Эҳтимол энг катта қусурларнинг ҳам иллатидадир? Бу иш — нозик...

58. “Файласуф”. Донишманднинг сўзини шундан билса бўладики, бу сўз ҳамisha унинг ўзига нисбатан айтилган бўлади. Битта одамнинг тузалиши¹ бутун оламнинг яраларига малҳам босилганидир. Битта одамнинг тузалишга интилиши бу дунёнинг мукаммаллик сари интилишидир. Мўйсафид файласуф сабий норасида ҳақида ўй суриб ўтирипти.

59. “Фанний сабоқ”. Олам ҳудудларини ўрганиб бўлдинг — ўз сарҳадларингга назар солдингми? Осмон ёритқичларининг ҳаракатларини мукаммал эгалладдинг — ичингдаги ой-юлдузлар, қуёшдан ҳам хабар-дормисан?

60. Дарахтларнинг гуллаб-яшнаши ва мева бериши бир хил эмас. Гуллаган дарахтларни яна совуқлар кутади — совуқ уриб кетиши мумкин. Ёнғин сочин, шамол-довул. Чамаси улар ҳам гулга ўч бўлишади. Истеъдоднинг ҳам гуллаб-яшнаши ҳодисаси ва ҳақиқий асар ярата олиши бир хил нарсалар эмас. Гулга кирган истеъдодни бемаврид совуқлар — мансаб, тўқлик, сохта шон кабилар уриб кетиши мумкин. Манманлик, кўрқоқлик, сотқинлик шамоллари юлқиб кетиши мумкин. Чамаси улар ҳам истеъдоднинг нишона гулларига ўч бўлишади. Шунданмикан, халқ орта гуллаган дарахтлардан умидини узади. Вақтида гуллаганда эса ҳавонинг яхши келишини тилашади. Ҳаволар, ҳаволар. Гулга қараб ҳосил чўғини чамалаб бўлмайди.

61. Яна шу ҳақда. Ҳосилидан қатъи назар гулламоқнинг ўзи ҳам саодат эмасми?

62. “Шайх”. Шайхдан сўрадилар:

— Эй, шайх, сенинг биз ҳақимиздаги фикрингни билишни истаймиз.

Шайх деди:

— Ўзингизга бино қўйманг!

¹ Руҳий маънавий.

Ҳамма ҳайрон бўлди. Шайхни ичларида манманликда айблашди. Ҳатто бирови уни тилидан илинтирмоқчи бўлгандай қичқирди:

— Эй, шайх, энди биз сенинг ўзинг ҳақингдаги фикрингни билишни истаймиз.

Шайх деди:

— Ўзингга бино қўйма!

Шунда уларниг шайхга нисбатан меҳрлари жўшиб, унинг пойига йиқилишди ва ялиниб ёлворишди:

— Эй, шайх, буюр, биз бажо айлайлик, бизга ҳам ўзига лозим кўрганини бўлишадиган сендай мард одамнинг ҳар бир сўзи биз учун қонундир.

Шайх деди:

— Ўзингга бино қўйма! Ўзингга бино қўйма! Ўзингизга бино қўйманг!..

Шайх фақат шу сўзларни яна қанча вақт такрорлади, ҳеч ким санаб адоғига етолмади, шу сўзларни айтаётиб шайх жон берганини барча билди.

63. “Ўтмишга дўнмоқ”. У ҳали сўзлашни билмасди. Уни сўзамоллар ўраб олишди. Бир четдан бошлайлик, дея бел боғлаган сўзамоллар унга аввал ўтмиш ҳақида гапиришни ўргатишди. Унинг сўзлари таъсирида ўтмиш жонланди. Жонланган ўтмиш унинг ўзи ҳақидаги сўзларини тан олмай, тўмтайди. Тўмтайган ўтмиш. Сўзамоллар сўзларни қайрашди, бўяшди, ҳарирлибослар кийгизишди, сийнабандлар тақишди сўзларга. Жонланган ўтмишдан ҳайратга тушишган сўзамолларнинг келажакдан кўнгиллари тўқ эди, уни бўшлиқ ва мавҳум тасаввуротдан иборат хомхаёл деб, келажак томон сўзларни буришди. Келажак ҳар қандай сўзларни кўтараверади. Барча фикрларнинг гўрис-тонидир келажак. Беҳавотир майдон. Ахиййри келажак жонланди — барчаси ўтмишда қолганди.

64. “Харита”. Бир гузал жуғрофий харита. Мана бу Тангритоғ. Мана бу Сирдарё. Мана бу Қизилқум. Мана

бу Амударё. Мана бу Орол — тўймаган чуқур кўз. Мана бу далалар, мана бу кўллар. Мана бу гулзорлар, бу ёғи долазор. Мана бу пахтазор — тонналаб орзу. Боялар, анҳорлар, тутзорлар, бағри қон анорлар. Гузаллик бахтидан анграйган қишлоқлар. Шаҳарлар, кентлар — буюклик аҳдидан таърифни кетган. Бир гузал жугрофий харита. Харитадан фаслларнинг ҳиди келади. Фасллар — кетмончининг тепага қараб олиши учун ўйлаб топилган фурсат. Тепада нима бор? Осмон бор — бурчини унутган осмон. Тепада нима бор? Куёш бор — Худонинг кундузи юборган элчиси. Тепада нима бор? Булут бор — ёмғирли, қорли. Тепада нима бор? Худо бор — Худо бор, ахир. Харитага тушмаган улар.

65. “Харита”нинг давоми. Бир гузал жугрофий харита. Харитадан саҳроларнинг тафти келади — кўчманчи барханлар кўзни алдайди. Жимирлайди узоқдан сароб. Сароб — минг кўзли булоқдир у. Саробдан ҳам қонса бўлади. Харитага тушмаган улар.

66. Файласуфнинг қудрати шундаки, у сендан минг йил нарида турган бўлсаям, ярим тунда сени қандайдир ишора билан ўрнингдан туриб кетишга мажбур қила олади. Уларни юлдузларга қиёслаш мумкин — кундуз кунлари кўзга ташланишмайди.

67. “Таваллуд”. У музаффар юришлардан сўнг қайтиб келаётган баҳодирмикан? Ёинки мағлублик аламига чидамай чинқираётган қўшинми? Ё бир маҳаллар беҳуда тўкилган қонининг аламини олиш учун келаётган хунталаб қасоскордир? Ким экан у — туғилаётган Инсон!

68. Биз дунёга келаётганларни кўриб, дунёдан ўтаётганларни ҳис этиб турамыз.

69. Инсон дунёга келганида унинг ҳали кимлигини билмай туриб кўпчилик бўлиб кутиб олишади. Инсон дунёдан ўтганда, кўпчилик томонидан кузатилиб, кўпчилик томонидан қаршиланади. Унинг кимлигини кузатаётганлар кўнглидаги ҳавотиргина англайди туради.

70. Каттароқ асар ёзишни бир манзилдан иккинчи узоқ бир манзилга етиб боришга қийинлаш мумкин. Ўртадаги йўлни баъзилар тезроқ босиб ўтишни истайди. У апил-тапил манзилга бориб қарайдики, ҳеч вақо йўқ, ҳафсаласи пир бўлади. Баъзилар йўл бўйида пича уймалашиб, бошқа нарсаларга андармон бўлганча ортга қайтиб кетишади. Айтмоқчи, ўртадаги йўл баъзан “Борса келар”, “Борса ё келар, ё келмас”, “Борса келмас” деган тармоқларга ҳам бўлинади. Қайси бири маъқуллигини болалигингизда ўқиган эртакларингиз сизга кўрсатиб беради. Ҳақиқий ижодкор қайси йўлдан бормасин, йўл тадоригини пухта кўриб ортга қайтишни уйламай йўлга тушади. Баъзан текислик, баъзан тоғу тошлар, ботқоқлар, ўрмонлар... барча-барчасидан ўтиб бориш лозим манзилга. Қанчадан-қанча бой беришлару йўқотишлар эвазига у манзилга етиб келганида ўз қисмати кутиб турганини фаҳмлайди.

71. Дунёдаги энг йирик ҳайвонлар (динозавр, момонт) энг аввал йўқолиб кетишган. Китлар, филлар, каркидонлар ҳам қамёблашиб бормоқда. Энг майда жониворларда яшовчанлик кучли. Қуртлар эбодий яшайди. Каламуш. Одамлар ҳам майдалашади. Жисмигина эмас, ҳис-туйғулари ҳам. Улугвор режалар, катта фикрларнинг жамият учун қай даражада зарурати бор? Халақит бермайдими? Яшовчанлик майдакашлик эмасми? Катта ғоя ниқоби-ни тақиб олганлар моҳиятан ким? Табиат ва жамият қонунлари ижодкорни уйлантириши керак.

72. Фикр — мутассил бош оғриғи. Мана шу оғриққа малҳам излаши давомида инсон қогоз ва қаламни ўйнаб тонган кўринади. Йўқса, у аллақачонлар бошидан жудо бўлиб кетарди.

73. “Энг сўнгги қаҳрамон”. Агар мардлар жасорат кўрсатишмаганида галаба туғи кўтарилмасди. Бу туғни жасорат кўрсатганлар эмас, жонини омон сақлаган

қўрқоқлар кўтариб боришди. Улар ғалаба нашидасини ҳам суришади. Шу боис, ақл камол топиб, сиртдан жасоратни улуғлаётгандек кўринса-да ичдан қўрқоқликка ҳаммолик қилади, уни яшаб қолишга ундайди. Энг сўнгги қаҳрамон яна қўрқоқнинг ўзи бўлиб қолаверади.

74. Яна шу ҳақда. Жасоратнинг оқибати ўйланган бўлиши керак, дея бир четда ўйланиб турган зот эҳтимол тамшанаётгандир.

75. Устозлар, ижодкор ўз ҳис-туйғулари ва фикрларини беҳуда нарсаларга сарфламаслиги керак, дейишади. Аммо улуғворлик нима экан? Адабиёт атомдан кучли, унинг кучини ўтин ёришга сарфламаслик керак, деган гап қанақа ғояларга хизмат қилиши керак? Эҳтимол бетийиқ бу куч ўтин ёришга сарфланса ундан повуллаган гулхан жунжиккан қалбларга тафт берар? Яна ким билсин. Ҳарҳолда, иссиқлик манбаси сифатида бугунги кунда атом кучига мурожаат қилинаётгани улуғвор ва инсо-нийдир.

76. “Шоирнинг ўлими”. Шоир ўлди. Ирим қилиб унинг кийимидан олмоқчи бўлишди — кийим топилмади. Яланғоч туғилиб яланғоч ўлан эди у. Шоир ўлди. Ирим қилиб унинг буюмидан олмоқчи бўлишди — буюм топилмади. Шоир ўлди. Ирим қилиб унинг туپроғидан олоқчи бўлишди. Аммо ер бермади. Бу тупроқнинг ҳар кафги, ҳар зарраси жуда зарур эди ернинг ўзига. Минглаб, милёнлаб кийимли, буюмли, семирган, семирган ўликлар аро шоир қайта туғилди. Шоир ўлмади.

77. Федерико Гарсиа Лорка. Белгисиз қабр. Тўрт тўз эдик минг тупроққа айланган вужуд. Уни қайдан ишламоқдасан?

78. “Баҳорда ўрик гулларини изғирин урганда...” Дарахт қийғос гуллалади. Суяниб бошини кўтарди, бошини кўтариб қаради ерга қараб келган халқ. Осмонники эмас эди бу гуллар, бу гуллар ерники эди.



Ерга қараб келган халқнинг ризқидан умид нишонаси эди бу гуллар. Осмоннинг совуғи ерга тўшади ерга қараган халқнинг меҳридан осмонга кўтарилган гулларни. Ризқдан умид нишонаси ерга қоришди. Қорайиб кетди уятдан дарахт. Ерга қараб қолди ерга қараб келган халқ.

79. “Қадим фалсафа”. Мен ёлғон айтяпман, эътирофидаги ҳақгўйлик, мен ҳақиқатни айтяпман, деган риёкорликдан устундир, албатта.

80. Раҳмдиллик — бағрикенглик; шафқатсизлик — кўрқоқлик.

81. Энг ожиз қул қулларга зуғум ўтказмоқчи бўлаётган қулдир.

82. “Етти пушт”. Боболар кўзёшларини ичига ютган. Момолар армонлар ундирган. Тупроққа қоришган тош қотган армон. Ой тафтида сирғалар янги томчилар.

83. Чала қолган асар қўлдан чиқиб кетган ов.

84. Менинг ҳаётимни яшаб қўй, ошна.

85. “Бир кун туз тотган жойга қирқ кунлик салом!”. Тузини тотиндик бир кун. Энди салом муддатини ўтамоқдамиз.

86. Нон тўла сават. Уй шифтига осилган. Ҳарқанча сакрагани билан болакайнинг қўли саватга етмайди. Унинг кўзларида алам ёшлари. Ота тепаликда ўтирволиб гап беради: “Худого шукр, хонадонимиз тинч, уйимиз тўла бўғдой, саватимиз тўла нон!”.

Болакай оёғи остига қўйиб саватга етса бўладиган курсилар эса аллақачон йўқотилган бу уйда.

87. Елкасида кетмони бор ҳар зот сув талашади.

88. Ўзгалар ҳаётини нафс бандалари барбод этишади.

89. “Айтсам”. Ғунчага айтсам, бол берар — арига бермай, йиғиб қўяр ҳар тонгда. Иссиқ кунда соя сол десам, ёмғирини ёғдирмай булут ортимдан эргашиб юради. Ерга айтсам, бир мева ўстириб беради мен

учун — икки дунё жаннатида топилмас сира. Айтмай туриб шундай қарасам, жонини беради мен учун дўстим. Тоғ ҳам ҳар куни чақириб, хазинаю дафиналарини кўрсатгиси келади, зумраду забаржад солиб қўйнимга ийитгиси келади мени ўзига — аллақандай йилтироқ тошлар деб тоғнинг ҳам олдига боргим келмас ҳеч. Ахир мен онамнинг киприги соясида ўсган шундай эркатойманки — шунга деб тилимни овора қилгим келмайдн. Қуралайим, гавҳарим дея тантиқланган гулман ахир — нигоҳим кўтариб қарай олмайман, асрагим келади кўзимни. Асрагим келади фақат... айтмасдан дилимни тушунса, дарёдай тўлғонсам — қирғоқдай тўшалса, ўшанда айтардим, айтарим — Сўзимни.



Мундарижа

Шоҳона совға. Қисса.....	3
Сас. Ён дафтардан.....	71

Адабий-бадиий нашр

Шойим Бўтаев

ШОҲОНА СОВҒА

Муҳаррир
Рассом
Мусаҳҳиҳа
Саҳифаловчи
Дизайнер

Муҳаммадҷон Аҳмедов
Хуршид Зиёхонов
Маниҳура Раҳимова
Муҳаррам Зойитова
Шоҳинур Мирзаев

Нашриёт лицензияси АИ-170. 23.12.2009.

Босишга руҳсат этилди 01.07.2015. Бичими 84x106¹/₁₆

Оффсет босма. Times Uz гарнитураси. 5,5 нашр т.

5.32 шартли б.т. Адади 2000 (1-босма 500) нусха.

Буюртма №195.

«Navro‘z» нашриёти, Тошкент ш.

Амир Темур к., 19-уй.

«SAYDANA-PRINT» МЧЖ босмахонасида босилди.

Тошкент ш., Қамарнисо к., 3. тел.: 162-08-43.